*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 136 (13.398).
18 июнь 1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 2-бўлимининг 4-бригада аъзолари ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Ғўзалар уч марта культивация қилиниб, уч марта озиқлантирилди. Баравж ғўзалар гуллаш олдида турибди. Суратда бригада бошлиғи А. Алчинова, бўлим бошлиғи М. Динаев ўртоқлар ғўза парвариши сифатини текширмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

# ПАХТАКОР, ДОЛЗАРБ КУНЛАР КЕЛДИ!

## Сирдарё областидаги 1-«Боёвут» совхози коллективининг хоразмликлар чақириғига жавоб хати

ХОРАЗМЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚУШИЛИБ

Биз ушбу мактубни довруғи оламга кетган, улуғ Ленин ғояларидан баҳраманд бўлиб камол топаётган, партиямиз раҳнамолиги, меҳнатсевар халқимиз ақл-заковати, куч-ғайрати билан гулистонга айланаётган Мирзачўл воҳасидан ёзмоқдамиз. Биз мард пахтакорлар диёри — хоразмликларнинг ажойиб ватанпарварлик ташаббусига бажонидил қўшиламиз, уларнинг қаҳрамонона меҳнатига таҳсинлар ўқиймиз. Ушбу хатимиз орқали ўзимизни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган, пахта ишқида куйиб-ёнишга чорлаётган ўй-фикрларимиз, режаларимизни юқори ҳосил кўтариш йўлида амалга ошираётган тадбирларимиз ҳақида сизларга сўзлаб бермоқчимиз.

Асил касб-коримиз пахтакорлик. Бу касбни шарафлаш, улуғлаш, муқаддас сақлаш — ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ҳаётимиз сайқали, кўксимизни безаган «Олтин юлдуз»лар, қўша-қўша орден ва медаллар боиси ҳам пахтадир. Республикамизнинг сўнгги йиллардаги пахтачилик тарихи давлат планларини тўла ва ошириб бажариш, ялпи пахта миқдорини кўпайтириш, сортини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш билан характерланади. Бундан давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам жуда катта манфаат кўряпти. Шундай бўлгач, тонналар ёнига тонналар қўшиш, янги беш йилликнинг биринчи босқичи — 1966 йилда республикамиз бўйича она-Ватанга 3 миллион 750 минг тонна ўзбек дурдонаси армуғон этиш мамлакатимиздаги барча қон-қардош халқлар олдидаги интернационал бурчимиздир.

Лекин бу ҳамирдан қил суғургандек осонлик билан бўладиган иш эмас. Бунинг учун мардонавор меҳнат қилиш, табиат инжиқликларини енгиш, бутун резервларни ҳаракатга келтириш талаб этилади.

Баҳор инжиқ келди. Устма-уст бўлиб ўтган ёғингарчиликлар, сел-дўллар, шамол-бўронлар ва бошқа табиий офатлар пахтакорга анчагина моддий зарар етказди. Кучли зилзила сабабли жонажон Тошкентимиз бошига тушган кулфат ташвиш устига ташвиш бўлди. Лекин биз саросимага тушмадик. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари, қардош халқларнинг ёрдами туфайли пойтахтимиз қайта қуриляпти, зилзила оқибатлари тугатиляпти. Биз пахтакор деҳқонлар довюрак тошкентликлардан ибрат олиб меҳнатда жасорат кўрсатишимиз, табиат инжиқликлари оқибатида рўй берган машаққатларни мардонавор енгишимиз керак. 1966 йил шаҳарлик дўстларимиз каби бизлар учун ҳам катта синов йили эканини асло унутмаслигимиз керак.

Қийинчиликлар нималардан иборат? Ерда ҳарорат етарли бўлмагани учун экилган чигит вақтида униб чиқмади. Ёғингарчиликлар оқибатида ғўза бир ойгача ўсмади ва ривожланмади. Турли қишлоқ хўжалик зараркунандалари пайдо бўлди. Пайкалларни бегона ўт босиб кетди. Лўнда қилиб айтганда, ғўзанинг авжи ўтган йилдагидан 15-20 кун орқада қолди. Биз буни ўз хўжалигимиз мисолидан олиб айтяпмиз. Лекин саросимага тушмадик, ваҳимага берилмадик. Механизатор, сувчи, химизатор — ҳамма ўз постида соқчилардек ҳушёр туриб меҳнат қилди. Натижада юқорида тилга олинган камчиликлар тугатилди. 6.000 гектар майдондаги ғўзамиз қийғос шонага кирди, яқин кунларда гуллайди.

Буни айтишдан мақсад шуки, ҳар бир хўжаликда юз берган қийинчиликларни бартараф этиш учун ишчи кучи, техника воситалари, минерал ўғит етарли бор, пахтачилик соҳасида мутахассислар ва тажрибакорларнинг жуда катта армияси иш олиб боряпти. Илм-фан пахтачиликни юксалтиришга хизмат қиляпти. Бундай шароитда режалик иш тутган киши барча қийинчиликларни тез ва осон ҳал этиши мумкин ва керак. Гап меҳнатни тўғри уюштира билиш, бутун куч ва техника воситаларини ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга сафарбар эта олишга боғлиқ. Биз вазиятни ҳисобга олиб, ишга яроқли ҳамма ишчиларни ғўза парваришига сафарбар этдик. Коммунистлар, комсомоллар, маҳаллий Советларнинг депутатлари мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган жойларда халқ карвонига бошчилик қилаётирлар.

Биз бу йил давлатга 16 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олган эдик. КПСС Марказий Комитети май пленумининг қарорларини муҳокама қилиб чиққач, ялпи пахта миқдорини 18 минг тоннага етказишга қарор бердик. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. У астойдил ҳаракат қилса, ақл-заковат билан иш тутса, меҳнатдан бўйин товламаса, қийинчиликлардан қўрқмаса орзусини албатта рўёбга чиқаради, бошлаган ишини охирига етказади.

Муллажон Олимжонов, Аббос Мирзаев, Акбар Сафаров бошлиқ бўлимларнинг ишчилари гектаридан 32-33 центнердан, Уммат Бобоев, Зокир Мустафоқулов, Боймирза Холмирзаевлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари 35-36 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Улар катта майдонлардаги ғўзаларни виждон амри, қалб ҳарорати, меҳр чашмаси билан парвариш қилаётирлар, очиқтирмай—ўғит, чанқатмай—сув бериб, ҳосил нишоналарини кўпайтирмоқдалар, мавжудини тўла сақлаб қолмоқдалар. Совхоз маъмурияти ва партия комитети уларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштираётир.

Субутли киши сўз беришдан олдин ҳамма имкониятларини ҳисоблаб, тарозида тортиб кўради, ора йўлда қолиб кетмаслик, жамоатчиликни чалғитиб қўймаслик, бебурд бўлиб қолмасликни ҳисобга олиб мажбурият қабул қилади. Сўнгра унинг ижроси учун курашади. Биз бу йил совхоз бўйича ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга ваъда бердик. Кузда—тарози қурилган кезда қизармаслик, ер чизиб қолмаслик учун ҳозирдан мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилаётирмиз. 30 центнерли хирмонга ким, қачон, қандай ҳисса қўшиши белгилаб олинган. Ёки бошқачасига айтганда, ким бутун мавсум давомида нима ишни бажариши маълум. Маъмурият ва партия комитети деҳқонларга ўз вазифасини шараф билан бажаришда кўмаклашяпти, оқсаган жойида қўлтиғига киряпти, камчиликка йўл қўйса очиқ-ошкора айтиб тузаттиряпти, меҳнатда ўрнак кўрсатган кишиларни рағбатлантириб боряпти. Энг муҳими — ишда сон ва сифатни бир-бирига уйғунлаштириб боришга алоҳида эътибор беряпти. Агротехника-тадбирлари ўз вақтида сифатли қилиб амалга оширилгач, кўплаб маблағ тежаб қолиняпти. Бу пахта таннархини арзонлаштиришда катта роль ўйнаши шубҳасиздир. Шу кунга қадар совхоз бўйича давлатнинг 66.000 сўм маблағи иқтисод қилинди.

Дала ишларини кўздан кечирсак, қуйидаги манзарани кўрамиз. Пахта майдонларида узунасига икки ярим марта, кўндалангига ҳам шунча культивация ўтказилди. Ғўза икки марта минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси билан озиқлантирилди. Ҳар гектар ерга 180 килограмм азотли, 350-400 килограмм фосфорли ўғит солинди. 3700 гектар ердаги экин қондириб суғорилди. Ҳашаротга қарши профилактик чоралар ўтказилди. Кунлик график тўла ва ошириб бажариляпти.

Сиртдан қаралса аҳвол дурустга ўхшайди. Лекин қилинган иш олинган мажбурият, тўпланган ҳосил нишоналарига таққослаб кўрилса, ҳали олдимизда жуда катта ва сира кечиктирмай амалга ошириш зарур бўлган вазифалар тургани аён бўлади. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити ҳисобга олинганда вазифа яна ҳам мураккаблашади. Бироқ, бундай қийинчиликларни биринчи марта кўраётганимиз йўқ. Аввалги йилларда ҳозиргига нисбатан анча мураккаб аҳволларга дуч келганмиз. Уларни ҳалол меҳнат билан енгиб, мўл пахта ҳосили етиштирганмиз. Бу йилги қийинчиликларни ҳам албатта енгамиз, ҳар гектар ер, ҳар туп ғўза, ҳар бир хўжаликда гарданга олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада пахта ҳосили етиштирамиз.

Совхозимиз бўйича июнь ойининг охиригача ҳамма майдонларда яна бир марта комплекс ғўза парвариши ўтказамиз. Июль ойида эса тўла икки марта, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолаётган 450 гектар ерда уч марта парвариш ўтказамиз. Июль ойининг охирига бориб ҳамма ғўзаларни кўнгилдагидек серҳосил қилиб оламиз. Тўпланган ҳосил нишоналарининг тўкилиб кетиши, ҳашаротга ем бўлишига асло йўл қўймаймиз. Шу мақсадда ишни қуйидагича ташкил қиламиз.

КУЛЬТИВАЦИЯ — хўжалигимизда 100 та универсаль трактор ишлаб турибди. Ички резервларни ишга солиб, яна 10 та универсаль тракторни ремонт қиламиз ва ишга туширамиз. Совхозимизда ишчи кучи кам, ҳар бир ишловчи ҳисобига 7 гектар экин майдони тўғри келади. Бундай шароитда дала ишларини комплекс механизациялаштирмай туриб юқори ҳосил олиш қийин. Ундан ташқари мавжуд механизмларнинг иш унумини оширишга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Биз ҳар бир тракторга 7-8 гектар кунлик норма белгиладик. Культивация икки томонлама ўтказиляпти. Узунасига культивация ўтказилаётган пайтда ғўза бирданига озиқлантириб ҳам кетилаётир. Культивация ер шароити, тупроқ тузилишига қараб 15-16 сантиметр чуқурликда, 38-40 сантиметр кенгликда ўтказиляпти. Шундай қилинганда тупроқ қатлами доим юмшоқ бўлиб, ғўза нам, ёруғлик ва қуёш нуридан яхши баҳраманд бўляпти, бегона ўт бутунлай йўқотилди, унинг ўсиб чиқишига асло йўл қўймаймиз.

Механизаторлар пахтачилик бригадаларига доимий қилиб бирктиб қўйилгани сингари, экин майдонлари ҳам механизаторларга бирктиб қўйилди. Ким қайси пайкалга чигит экқан бўлса, ўша пайкалда культивация ўтказяпти, ғўзани озиқлантиряпти, ҳашаротга қарши дори сепяпти. Кузга бориб пахтани ҳам ўша механизатор теради. Механизатор ҳосилдорликни оширишда бригадир ёки бўлим бошқарувчиси билан баравар манфаат кўради.

Бизда ўз ишининг устаси бўлган механизаторлар кўп. Аҳмад Бобоев, Ботир Исломов, Ажимуллаев сингари механизаторларимиз кунлик графикни сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича анча ошириб бажаряптилар. Улар ғилдирак айланса бас деган йилида иш тутаётганлари йўқ, балки пахтадан мўл ҳосил етиштиришни кўзлаб меҳнат қилаётирлар. Жонкуяр механизаторлар меҳнатига яраша ҳақ оляпти, фидокорлиги учун рағбатлантирилмоқда. Механизаторларнинг ишини назорат қилиб бориш агрономлар ва бригада бошлиқлари зиммасига юклатилган.

СУҒОРИШ — Сув—ғўзанинг қони, дейди деҳқонлар. Бу жуда тўғри гап. Вақтида, талабига қараб қондириб суғорилган ғўза тез ўсиб, ривожланади. Ҳосил шохлари ва нишоналари кўпаяди. Шонанинг гулга, гулнинг кўсакка айланиши тезлашади. Кўсакнинг салмоғи ортади, пахта яхши тош босади. Энг муҳими — сувга қонган ғўза ҳосил тўкмайди. Биз ҳар йили ғўза гулга кирган паллада сув берар эдик. Бу йил вазият ўзгарди, ҳаво бирдан исиб, ҳарорат кўтарилиб кетди. Шу сабабли суғоришни эртароқ бошлаб юбордик. Юқорида айтилганидек, шу кунгача 3.700 гектар ердаги ғўза суғорилди. Ғўзаларнинг қолган қисми яқин кунларда суғориб бўлинади.

Биз ғўза суғоришни қуйидагича ташкил қилдик: мутахассислар тажрибакорлар билан ҳамкорликда ҳамма майдонлардаги экинларни кўздан кечириб чиқдик. Ғўзаларни уч туркумга бўлиб суғориш лозим топилди. Ўта чанқаган, сизот сув қуйи жойлашган, соз тупроқли пайкаллардаги ғўзалар биринчи галда суғориляпти. Сувчилар сифатга айниқса катта эътибор беряпти. Ҳар бир сувчига кундузликка ярим гектар, кечаликка 40 сўтих норма белгиланган. Нормани сон ва сифат кўрсаткичи бўйича яхши бажарган сувчига юқори баҳода ҳақ тўланади.

Шу кунларда ғўза айниқса сув талаб бўлиб қолди. Буни ҳисобга олиб сувчилар сонини 300 кишига етказдик. Сувчиликка энг тажрибали деҳқонларни ажратдик. Яқинда шошилинч равишда сувчиларнинг йиғилишини ўтказиб, оз сув билан катта майдонлардаги ғўзаларни қондириб суғориш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Суғориш кеча-кундуз бир меъёрда давом эттириляпти, ҳар қатра сув учун қаттиқ кураш олиб бориляпти. Сувчилар иссиқ овқат, кечаликка тошфонарлар билан таъминланган. Илғор сувчилар мукофотлаб борилаётир. Кечаликка совхоз маъмурияти ва партия комитети аъзоларидан навбатчилар тайинланган. Кундузги сувчиларнинг иши кечқурун, тунги сувчиларнинг иши эрталаб якунланади, ютуқ-камчилик томонлари таҳлил қилинади.

ОЗИҚЛАНТИРИШ — Юқорида айтилганидек ғўзанинг авжи анча паст. Бунинг сабаби бор. Ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқнинг устки қатламидаги ўғит қуйи қатламига тушиб кетди, ёш ниҳол ундан вақтида баҳраманд бўлолмади. Бу унинг тез ва соғлом ўсишига ёмон таъсир қилди. Биз шароитни назарга олиб ғўзаларни ўтган йилдагига нисбатан анча барвақт озиқлантирдик. Лекин бу ҳам қониқарли бўлмаяпти. Шу сабабли ўзаро маслаҳатлашиб қуйидаги фикрга келдик: 5 июлгача йиллик азот нормасини ерга солиб бўламиз. 15-20 июлга қадар эса ғўзаларни фосфорли ўғит билан озиқлантиришни давом эттирамиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам маҳаллий ўғитдан кенг фойдаланамиз. Ўғит ерга СУЗ агрегати воситасида солинади, кўпчилик карталарга «шарбат» қилиб оқизилади. Ўғит ташишга бочка ўрнатилган машиналар ажратилди. Қайси картага ўғитни қанча чуқурликда солишни мутахассислар белгилаб бермоқдалар. Маҳаллий ўғит тўплаб хандакларда чиритиш қизғин давом эттириляпти. Пахтакорларимиз минерал ўғитдан кўра маҳаллий ўғитдан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бераётирлар. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг муҳим омилидир.

ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШ — қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосилнинг ашаддий душманидир. Ҳушёр бўлинмаса йил—ўн икки ой пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилни зараркунандалар қисқа вақтда чиппакка чиқариб юбориши, деҳқонни ер чизиб қўйдириши мумкин. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бутун жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиши керак. Бу ишда мутахассислар айниқса ҳушёрлик, ташкилотчилик кўрсатишлари лозим.

Совхозимизда 500 гектарча майдондаги ғўзага ҳашарот тушди. Бу ҳол фавқулодда ҳодиса деб эълон қилинди ва шошилинч чоралар кўрилди. Зарарланаётган майдонларга дори сепилиб экин ва ҳосил тўла сақлаб қолинди. Бошқа пайкаллар ҳам кўздан кечириб чиқилди. Шу муносабат билан мутахассислар, комсомол-ёшлардан иборат пост тузилди. Уларга турли аппаратлар, заҳарли химикатлар, транспорт воситалари ажратиб берилди. Ҳозирча ҳашарот жиддий зарар етказгани йўқ. Шунга қарамай ҳушёрлик кучайтириляпти. Ҳар эҳтимолга қарши етарли миқдорда заҳарли химикатлар сақланяпти. Химизаторлар ўз малакасини оширяпти.

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРДАН ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК — бу йил совхозимиз бўйича умумий ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»ларда териб олишни планлаштирдик. Машина теримига тайёрлик ишлари ҳозирдаёқ авж олдириб юборилди. Далаларда 160 терим машинаси ишлайди. Машиналарнинг асосий қисми ремонтдан чиқарилди. Механик-ҳайдовчилар сони 280 кишига етказилди. Бу—машиналарни икки сменада ишлатиш имкониятини беради. Ҳар бир механик-ҳайдовчи 35 гектар ерда икки терим ўтказади, биринчи теримда гектаридан 20 центнер, иккинчи теримда 10 центнер ҳосилни териб, саранжом-саришталаб олиш кўзда тутилмоқда.

Механик-ҳайдовчиларга техника хизмати кўрсатиш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди. Марказий участкада, бўлимларда доимий ишлайдиган устахоналар бўлади. Даланинг ўзида хизмат кўрсатиш учун 4 та кўчма устахона ташкил қилинади. Уларда 40 дан зиёд механик, токарь, слесарь иш олиб боради.

Машиналарнинг унумли ишлаши кўп жиҳатдан агротехника тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқдир. Биз бунда дефолиацияни сифатли қилиб ўтказиш, ғўза баргини тўла тўктиришни назарда тутяпмиз, чеканкани белгиланган муддатда ўтказишга эътиборни жалб этмоқчимиз. Биз бу йил 6 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг ҳаммасини машиналар воситасида чеканка қиламиз. Ҳозир 30 та чеканка машинамиз бор, яна 30 та машина харид қиламиз. Ғўзанинг ҳолатига қараб дефолиацияни 1-15 сентябрда тўла тугаллаймиз.

Пахтани қоп-қанорсиз ташиш одат тусига кириб қолди. Ўтган йили шу йўл билан 16 минг сўм маблағ тежалган эди. Бу йил 20 минг сўм маблағни иқтисод қилиш ниятимиз бор. Терим бошлангунча пахта ташишга 350 тележка тахт қилиб қўйилади. Кўрак териш ва чувиш машиналари ремонтини ҳам тез кунларда тугаллаймиз.

МЕҲНАТ АҲЛИГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК — мўл ҳосилнинг тақдирини далада пешона тери тўкиб меҳнат қилаётган кишилар ҳал қилади. Шу сабабли улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, етарли маданий-маиший шароит яратиб бериш бутун жамоатчиликнинг ишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кайфи чоғ кишининг иш унуми юқори бўлади. Совхозимиз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат аҳлига савдо, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, оммавий-оқартув ишларини йўлга қўйишда анча ютуқларга эришди. Далада ишлаётган ишчилар марказлаштирилган тартибда, арзон баҳода иссиқ овқат, нон-чой билан таъминланяпти. Савдо хизмати кўрсатиш дала шийпонларига кўчирилган, ишчилар бу ерда энг зарур буюмларни харид қилишлари мумкин. Медицина ходимлари дала гвардиячиларининг соғлиғига посбонлик қилаётирлар. Марказий участка ва бўлимларда маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ишлаб турибди. Ишчиларнинг меҳнатига тегишли ҳақ ўз вақтида бериб бориляпти. Ана шу имкониятдан фойдаланиб ҳалол меҳнат қил, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда байроқдор бўл, меҳнатингга яраша кўп ҳақ олиб, қандингни ур! Биз масалани ана шу тартибда қўйдик.

Эътироф этиш керакки, ҳозирги долзарб кунларда тер тўкиб меҳнат қилишдан бўйин товлаётган, оғир ишнинг устидан, енгил ишнинг остидан ўтиб юрган кишилар ҳам йўқ эмас. Биз уларнинг эътиборини тўғри йўлга тушиб олишга, ижодкор коллектив билан ҳамнафас бўлиб баравар қадам ташлашга, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшишга даъват этмоқламиз. Ўшандай кишиларнинг кўпчилиги тўғри йўлга тушиб олиб, яратувчилик меҳнати билан шуғулланмоқдалар. Айрим ўжар, қайсар кишиларни ҳам эпга олмай қўймаймиз. Ҳа, худди шундай қиламиз. Бу йилги катта синов йилида қалбида виждони, билагида кучи бор ҳар бир кишининг ўрни пахта пайкалларида бўлиши, республикамизнинг 3 миллион 750 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига ҳар ким ўз улушини қўшиши керак.

Машъал Хоразм области пахтакорларининг республикамиздаги барча меҳнаткашларга қарата ёзган Мурожаатида айтилганидек ҳақиқатан пахта майдони — мардлар майдони. Бу майдонда хотин-эркак, қари-ёш, ўсмир — ҳамма баравар жавлон уриши, ёз жазирамасига мардлик билан бардош бериб, пахтадан мўл ҳосил етиштирувчиларнинг олдинги сафида бўлиши керак. Инсонга ўтган умрига қараб эмас, яратган моддий бойлигига қараб баҳо берилади, ҳар бир пахтакор ўз ижодий меҳнати билан эл-юрт орасида яхши ном қолдиради. Хизмати элга манзур бўлган кишига халқимиз, партиямиз: «Балли азаматлар!» дейди. Пахтакорлик шарафини улуғлайлик, партия, халқ олқишига сазовор бўлайлик!

Совхозимиз коллективи барча қийинчиликларни қаҳрамонона меҳнат билан енгади, июнь ва июль ойларида астойдил меҳнат қилиб, ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштиради, она-Ватанга 18 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, эл-юрт олдидаги бурчини шараф билан адо этади. Бу КПСС XXIII съезди қарорларига пахтакорларимизнинг муносиб жавоби бўлади.

**Ҳамма ғўза парваришига, азиз ҳамкасб дўстлар!**

**Қ. РАШИДОВ — Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхози директори, Н. МЎМИНОВ — совхоз партия комитети секретари, В. ЗИБЕРЕВ — совхоз бош агрономи, Х. НОРЧАЕВ — пахтачилик бўлими бошқарувчиси, Б. ИСЛОМОВ — механизатор.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШОЛИ КОНИ ЭКИШНИ ТАМОМЛАДИ

Ўзбекистондаги энг йирик шоликорлик райони — Қорақалпоғистон АССР меҳнатчилари экиш ишларини тамомладилар. 18 минг гектардан ортиқ майдонга, асосан машина ёрдамида шоли экилди.

Хоразм шоликорлари пландан ташқари шоли экмоқдалар. Республикада жами 50 минг гектардан ортиқ ерга — яъни ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча кўп ерга шоли экилди.

(ЎзТАГ).

## БОЛГАРИЯ ЙЎЛЛАРИДА

СОФИЯ, 17 июнь. (ЎзТАГ). Ўзбек маданиятининг Болгариядаги декадаси давом этмоқда. Ҳозир республикамиз санъат ва адабиёт арбобларининг делегацияси икки группага бўлинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов бошчилигидаги биринчи группа Шипка довонига йўл олди. Бу ерда рус жангчилари болгар халқининг чет эллик босқинчиларга қарши, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашига ёрдам берган эдилар. Иккинчи группа Русса шаҳрида меҳмон бўлиб турибди.

Русса кўчалари байроқлар билан безатилган. Бу ерда Ўзбекистондан келган меҳмонлар шарафига митинг бўлиб ўтди. Митинг мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг ёрқин намойишига айланиб кетди. Декада қатнашчилари шойи тўқиш фабрикасига бориб, шу корхона ходимлари билан дўстона учрашдилар.

Кечқурун Русса меҳнатчилари декадага бағишланган тантанали мажлисда қатнашиш учун опера театрига келишди. Русса округ партия комитетининг секретари Тодор Ненов Ўзбекистон делегациясини самимий табриклади. Ўзбекистон делегациясининг аъзоси Ҳ. С. Шукурова жавоб нутқи сўзлаб, дўстона кутиб олганликлари учун меҳмондўст мезбонларга чин кўнгилдан ташаккур билдирди. Кеча охирида болгар ва ўзбек артистлари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Ўзбек маданиятининг Болгариядаги байрами давом этмоқда.

## ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

Тошкент шаҳрида зилзила оқибатларини тугатиш бўйича республика ҳукумат комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисида бошпанасиз қолган оилаларни жойлаштириш масаласини қараб чиқди. Ленин, Октябрь ва Чилонзор районининг ижроия комитетлари ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ахбороти тингланди. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига уй-жой билан таъминлаш учун шошилинч чоралар кўриш ва ишни янада пухтароқ уюштириш топширилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига зилзиладан зарар кўрган гражданларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 170 гектар ер ажратилди. Шаҳар доирасида, Тошкент ташқарисида ва бошқа қардош республикалардаги пионер лагерларига 14 июнгача мактаб ёшидаги деярли 52 минг бола жойлаштирилди. (ЎзТАГ).

## А. Н. КОСИГИН ХЕЛЬСИНКИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 17 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Финляндия президенти У. К. Кекконен Оулу ва Раахе шаҳарларидаги саноат корхоналари билан танишиб бўлганларидан кейин, кеча кечқурун махсус поездда Хельсинкига жўнаб кетдилар.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Финляндия президенти У. Кекконен Оулу ва Раахега қилган сафарларидан кейин бугун эрталаб махсус поездда Хельсинкига қайтиб келишди.

## ИНДИРА ГАНДИ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛАДИ

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Совет Иттифоқига расмий визит билан келиб, 1966 йил 12-16 июлда Совет ҳукуматининг меҳмони бўлиб туради. Индира Ганди Ҳиндистон Бош министри вазифасини бажаришга киришган вақтда Совет ҳукумати уни меҳмон бўлиб келишга таклиф қилган эди. Бош министр Индира Ганди ҳозир шу таклифдан фойдаланиб, Совет раҳбарлари билан мавжуд самимий шахсий алоқаларни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш учун Совет Иттифоқига келиш имкониятига эга бўлганлигидан ўзининг хушнуд эканлигини айтди.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

## ЯЛҚОВЛИК — БОШГА КУЛФАТ...

Самарқанд область, Иштихон районидаги «Меҳнат—роҳат» колхозининг (колхоз раиси Мустафо Тошматов, партия ташкилотининг секретари Турди Ҳасанов ўртоқлар) ялқов бригада бошлиқлари Раҳматилла Тиловов ҳамда Даврон Оллаёровларга бағишланган ҳажвия.

Раҳматилла Тиловов жуда ялқов бригадир,
Бир қўлида пар ёстиқ, бир қўлида кўрпадир...
Ғўза билан иўқ иши, қолоқликка бандадир,
Ўзи билан ҳамиша ҳиргойиси биргадир.
Савлатини кўрганда бола ташлар ола қуш,
Судралишда қолишмас тошбақадан боякиш.
Тўй-у базм, гурунгда йигитларнинг оғаси,
Ўйин-кулги, ялладан бўшаёлмас ёзу қиш.
Йил бошида талтайиб берар у зўр ваъдани,
Кузга келиб шалпайиб суянади хассани.
Дер у: бетим қалини жонгинамнинг ҳузури,
Урсанг танқид ништарин, жимир этмас бадани.
Ўт ичида ғўзаси ётар қовраб жунжайиб,
Ғўзат десанг ғўзангни кулиб қўяр илжайиб.
Чиқса агар далага уриб кетармиш офтоб,
Ётар доим серсоя тол тагида алчайиб.

Тилововга қадрдон Оллаёров Даврондир,
Қақраб ётган пайкалин кўрган одам ҳайрондир.
Ишлар қалай десангиз дер: эй дўстим қаймоқдай,
Аслида-чи, ишлари ачиб ётган айрондир.
Кўринади қарасанг, онда-сонда бир ниҳол,
Кесакларин оралаб ўтишинг амри-маҳол.
Тут остида хириллаб хуррак отар бригадир,
Чақиб кетар пашша деб юзига ёпиб рўмол.
Сувчилар сув қуяр жўякларга «мўл» қилиб,
Пахтазорда ўрдак-ғоз сузиб юрар «кўл» қилиб.
От оралаб ўтолмас, ёввойи ўт ичидан,
Вақ-вақлашиб сайрашар беданалар жўр бўлиб.
Ёдгор бахши сўзини тингланг, ялқов акалар,
Ялқов деҳқон ғалвирин сувдан қуруқ кўтарар.
Ишга жадал киришмай ялло қилиб юрсангиз,
Билиб қўйинг, ялқовлик бошга кулфат келтирар.

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ.

## СССР Олий Совети Президиумида

# ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг ходимларидан катта группасини гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари ҳамда гўшт ва сут саноатини ривожлантиришда кўрсатган хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1966 йил 14 июндаги Фармонига биноан, СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади. Шулар орасида Ўзбекистон ССР дан қуйидагилар мукофотланди:

### АНДИЖОН ОБЛАСТИ

**ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН**

**Юнусов** Раҳмонжон — Андижон гўшт комбинатининг мастери.

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдужабборова** Муборакхон — Андижон сут заводининг ишчиси.

**Абдуллаев** Ғуломжон — Наманган гўшт комбинатининг саллоҳи.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Санатулов** Ориф Хисматулович — Андижон гўшт комбинатининг мастери.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Бараникова** Робиға Олимжоновна — Андижон сут заводининг ишлаб чиқариш мудири.

**Сироежкина** Валентина Николаевна — Наманган сут заводининг аппаратчиси.

### БУХОРО ОБЛАСТИ

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Муҳаммедов** Хол — Бухоро гўшт комбинати ишчиларининг бригадири.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Муҳиддинов** Шамсиддин — Бухоро гўшт комбинатининг саллоҳи.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Нечаева** Надежда Ивановна — Бухоро сут комбинатининг аппаратчиси.

### ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қаюмов** Умид — Қарши гўшт комбинатининг тарашловчиси.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Хлебникова** Мария Васильевна — Қарши сут комбинатининг мастери.

### САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жигунова** Мария Алексеевна — Самарқанд гўшт комбинатининг мастери.

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жўраев** Эсон Ҳасанович — Каттақўрғон гўшт комбинатининг саллоҳи.

**Муҳаммадиев** Абдуназар — Нарпай сут-сариёғ заводи ишчиларининг бригадири.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Гавриленко** Клавдия Антоновна — Самарқанд сут комбинатининг ишчиси.

**Ражаб** ўғли Светхи — Самарқанд сут комбинатининг ишчиси.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Жалолов** Очил — Самарқанд сут комбинатининг ишчиси.

**Раҳимов** Худоёр — Самарқанд гўшт комбинатининг гўшт ағдарувчиси.

### СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Деншчикова** Анна Александровна — Термиз гўшт комбинатининг мастери.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абузярова** Лилия Мустафоевна — Термиз сут комбинатининг мастери.

### СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Коваленко** Полина Арсентьевна — Жиззах сариёғ-пишлоқ заводининг мастер ёрдамчиси.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Шамарова** Анна Ивановна — Сирдарё сут заводининг ишчиси.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ортиқов** Собиржон — Тошкент сут комбинатининг бош механиги.

**Горшкова** Клавдия Петровна — Тошкент муз комбинатининг ишчиси.

**Жумабоев** Наби — Янгийўл тажриба-экспериментал колбаса заводининг директори.

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Архипова** Александра Федоровна — Олмалиқ гўшт комбинатининг саллоҳи.

**Қурбонов** Абдуқодир Собирович — Тошкент муз комбинати музлатиш аппаратларининг машинисти.

**Мадалиев** Раҳимжон — Оҳангарон сут заводининг слесари.

**Пўлатов** Кенжа — Оҳангарон гўшт комбинатининг мастери.

**Раҳматова** Ерқиной — Янгийўл сут заводининг директори.

**Рисқалиев** Толип — Бекобод гўшт комбинатининг саллоҳи.

**Тошпўлатов** Муса — Чирчиқ гўшт комбинатининг ишлаб чиқариш мудири.

**Чебурашкина** Пелагея Андреевна — Тошкент сут комбинатининг ишчиси.

**Череповская** Нина Осиповна — Тошкент гўшт комбинатининг ишчиси.

**Шотиллаев** Нажим — Тошкент гўшт комбинати касаба союз завод комитетининг раиси.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев** Мирали — Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрининг ўринбосари.

**Комилов** Қодир — Тошкент гўшт комбинатининг ишчиси.

**Мансурова** Ҳафиза — Тошкент сут комбинатининг анализатори.

**Ниёзова** Ҳикоят — Тошкент гўшт комбинатининг колбаса боғловчиси.

**Салимзянов** Тоир Ҳамидович — Тошкент гўшт комбинатининг саллоҳи.

**Шабанова** Мария Николаевна — Тошкент сут комбинатининг мастери.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Васильева** Вера Яковлевна — Тошкент гўшт комбинатининг ишчиси.

**Иброҳимов** Солих — Тошкент гўшт комбинати ишчиларининг бригадири.

**Иноятов** Туроб — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг старший референти.

**Севастьянова** Лидия Емельяновна — Тошкент гўшт комбинатининг цех бошлиғи.

**Ҳусанов** Суннат — Тошкент гўшт комбинатининг ишчиси.

### ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН**

**Эшматов** Абдуҳаким — Фарғона гўшт комбинатининг ишчиси.

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жирнова** Анастасия Николаевна — Қўқон гўшт комбинатининг шприцчиси.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Судьина** Пелагея Ивановна — Қўқон сут-сариёғ заводининг мастери.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Нурматова** Александра Кирилловна — Фарғона сут заводининг ишчиси.

### ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Рўзматов** Ибодулла — Урганч гўшт комбинатининг мастери.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Ҳайитбоева** Зийнат — Урганч гўшт комбинатининг аппаратчиси.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

**«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Журавлева** Лидия Яковлевна — Нукус сут-сариёғ заводининг бош инженери.

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Қолжонов** Ўлжабой — Хўжайли гўшт комбинатининг ишчиси.

**«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Наврўзова** Сапаргул — Нукус гўшт комбинатининг ишчиси.

---

*КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширамиз*

# ИЛК НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани Директиваларида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари белгилаб берилган.

Хўш, бунга қандай қилиб эришилади? Аввало ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳамда ишчилар малакасини ошириш ва иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш йўли билан эришилади.

Аммо меҳнатни илмий асосда ташкил этиш хоҳишини билдириш билангина иш битмайди. Бунда олдиндан муҳим тайёргарлик ишлари кўриш, ишлаб чиқаришнинг деярли ҳамма жараёнларини ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш ва шу асосда яхлит тадбир ишлаб чиқиб, уни коллектив муҳокамасига қўйиш даркор. В. И. Ленин номли «Красний двигатель» заводи, Локомотив депоси ва 150-қурилиш тресги сингари қатор корхона ва қурилишларнинг коллективлари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишни илмий асосда юрита бошладилар. Бу соҳада «Красний двигатель» заводи коллективининг фаолияти диққатга сазовордир.

Бу ерда ҳар бир ишчига иш жойида меҳнатни илмий асосда йўлга қўйиш, янги усулнинг иқтисодий самараси тушунтирилди. Сўнгра участка ва цехларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ва кенгашлар ўтказилди, лекция ва суҳбатлар уюштирилди.

Орадан кўп ўтмай, завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг корхонанинг барча ишчиларига, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда заводнинг ҳар бир ходими меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун ўз таклифи билан чиқсин, деган шиор ташланди. Шундан кейин жуда кўп ишчилар ва инженер-техник ходимлар қандай қилса меҳнат шароити яхшиланади, иш унуми ошади, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди — мана шу масалалар атрофида конкрет таклифларини тавсия этишди.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

◆ ◆

Таклифлар оқими кўпайиб кетганлигидан ҳар бир цех бўйича ижодий бригадалар тузилиб, унга етакчи мутахассислар бош қилиб қўйилди. Бригадаларнинг составига илғор ишчилар, синчков кадрлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари киритилиб, улар бутун бир квартал бўйича амалга ошириладиган иш жараёнлари комплексини тузиб чиқдилар. Сўнгра у завод ҳузуридаги меҳнатни илмий асосда ташкил этиш лабораториясида атрофлича таҳлил қилиниб, завод бош инженери томонидан тасдиқланди.

Ҳар бир тадбирни амалга ошириш вақти ва сарфи тахминан белгилаб қўйилди ва унинг самараси ҳисоблаб чиқилди. Бирор тадбирни рўёбга чиқариш бўйича масъул ходимлар группаси тасдиқланди. Бу ходимлар ишнинг бутун жараёнига жавоб берадилар. Бу ҳол ишнинг ўз вақтида бажарилишида яхши натижа беряпти.

Шаҳар партия комитети завод коллективининг илк тажрибаларини оммалаштириш мақсадида шаҳардаги саноат корхоналари бош инженерлари, план бўлими, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиқларининг семинарини ўтказди. Семинарда «Красний двигатель» заводининг масъул ходимлари, жумладан меҳнатни илмий асосда ташкил этиш лабораториясининг бошлиғи И. У. Муракаев, бош технолог ёрдамчиси О. Д. Чвирь ўртоқлар сўзга чиқиб, бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан таништирдилар, қийинчиликларни айтиб бердилар. Ҳозир бошқа баъзи корхоналар ҳам янгича ишлаш режасини тузмоқдалар.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳаракатига қурувчилар орасида биринчи бўлиб 150-қурилиш тресги бинокорлари қўшилдилар. Дастлаб улар 40 квартирали уй-жой биносини қад кўтартиришда янги принципни қўллашди. Натижа кутилгандан ҳам аъло бўлди. Бинонинг қурилиш муддати пландагидан икки баравар қисқарди, ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳажми илгариги усулдагидан 10 процент кўпайиб, иш ҳақи ҳам ошди. Трест коллективи объектма-объект иш жараёнини илмий асосда ташкил эта бориб, қурилиш муддати ва бинокорларнинг иш унумини тобора оширишга муваффақ бўлаётир.

Депо коллективининг ишлаб чиқариш эстетикаси соҳасидаги ишлари ҳам мақтовга лойиқ. Депо территорияси шаҳардаги энг шинам ва хушманзара манзилга айланган. Ҳамма жиҳозлар, девор ва устунлар, ҳатто иморат шиплари чиройли рангларга бўялган. Цехларда кераксиз асбоб-ускуналар мутлақо йўқ. Депо территориясида манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар кўп. Кўпчилик станоклар ёнида ҳам очилиб турган гулларни кўриб, кўзингиз қувонади.

Булар шунчаки зеб-зийнат учун эмас, балки ишчининг кайфиятини ошириш учун қўйилганини иш натижалари яққол кўрсатиб турибди. Депо коллективи шаҳарнинг ҳурмат тахтасидан муттасил тушмай келаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Шаҳардаги бошқа корхоналар ҳозирча янги усулда иш бошлаганларича йўқ. Шаҳар партия ташкилоти янгича ишлаш методларини ўрганишни поёнига етказиш тадбирларини кўриш билан бирга, янгиликни етарли ҳис этолмаётган кишиларга бу усулнинг иқтисодий самарасини конкрет фактларда аниқ мисоллар билан кўрсатиб бермоқда. Шу мақсадда яқинда шаҳар партия комитети ҳузуридаги иқтисодий кенгашнинг махсус мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ҳозир партия ташкилотлари меҳнаткашлар орасида янгича иш тутишнинг афзалликлари юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишга тезроқ ўтиш тадбирларини тегишли ташкилотлар билан биргаликда белгиламоқдалар. Шаҳар партия комитети ўз навбатида уларнинг бу соҳадаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

**В. ҲАМИДОВ,**
**Самарқанд шаҳар партия комитетининг секретари.**

---

## ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

СССР Ёзувчилар союзи правлениеси зилзиладан зарар кўрган Ўзбекистон ёзувчилари, уларнинг оиласи ва хонадони ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. СССР Ёзувчилар союзининг секретарлари К. Федин, Г. Марков, ёзувчи Вадим Кожевников бу иш билан шахсан шуғулландилар. Ўзбек ёзувчиларига иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг кенгайтирилган йиғилишида ёзувчилардан К. Яшин, С. Бородин, Ҳаким Назир, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Раҳмат Файзий ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ана шу биродарлик ёрдами учун СССР қалам соҳибларига чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, ёзувчи Воҳид Зоҳидов сўзга чиқиб, «Советский писатель» нашриёти ўзбек ёзувчиларининг асарларини шу йил охиригача ва 1967 йилнинг бошида кўп нусхада босиб чиқариши ҳақида гапирди.

**Ю. ҲАМДАМОВ.**

## ДЎСТЛИГИМИЗ ТАНТАНАСИ

**И. СОДАЙТИС,**
**литвалик инженер**

**Узоқ Литвадан келиб, қуёш шаҳри — Тошкентда овоз берганим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.**

**Ўтган сайловдан бери бошқа шаҳарлар каби Тошкент ҳам беқиёс юксалди. Лекин янги беш йиллинда, нечагина биз сайлаган парламентимиз иш олиб борадиган йиллар мобайнида шаҳрингиз шундай суръатлар билан ривожланадики, бундай суръатни жаҳон қурилиш практикаси ҳали кўргани йўқ. Ахир, беш йил ичида 5 миллион квадрат метр замонавий кўркам бинолар қад кўтариши ҳазилакам ишми! Ваҳолонки, бултур шаҳарда 330 минг квадрат метрдан сал кўпроқ уй-жой қад кўтарган экан. Ҳа, бундай улкан ишлар фақат социализм мамлакатидагина амалга ошиши мумкин.**

---

**Киши-кишига дўст, ўртоқ, биродар... Жамиятимизнинг бу олижаноб принципи турмушимизга нақадар мустаҳкам сингиб кетганлигини ушбу суратдаги манзара ҳам яққол кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Пахтакор» маҳалла комитетининг раиси Илтифот Илёсова политехника институти студентлари билан ана шу ҳақда, уларни ўз бағрига олган саховатли кишилар ҳақида суҳбатлашмоқда.**

**Р. Шамсиддинов** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

◆ ● ◆

# НАМАНГАН ЧИЛОНЗОРИ

(РЕПОРТАЖ)

◆ ◆

Инсон қадами етган жойда гул унади, деганлари рост. Наманганнинг ғарби-шимоли, Шимолий Фарғона каналининг ўнг қирғоғи бўм-бўш, ўйдим-чуқур жойлар эди. Бу ерга биринчи бўлиб Сайдулла Муродов ва Абдулла Воҳидов бошлиқ бригада бинокорлари келишди.

Уй кетидан уй битаверди, пишиқ ғиштдан 5 та уй битиб, оилалар кўпайиб борди. Йирик панеллар ишлаб чиқарадиган заводнинг қурилиши бинокорларга қўл келди. Кўтарма кранлар ҳаракати ҳам, монтажчилар ва пайвандчилар, пардозчилар ҳаракати ҳам авжлана борди. Биринчи йили бинокорлар 4194 квадрат метр уй-жойни меҳнат аҳлига топширдилар.

Ана шундан бери йирик панелдан уй-жой қуриш бошқармасининг азамат бинокорлари эстафетани давом эттирмоқдалар. Улар ҳозиргача 49 та кўп қаватли уй-жой биноларини меҳнаткашлар ихтиёрига топширдилар. Кўпчилик уйларда эндигина ҳаёт қурган ёш оилалар истиқомат қиляпти. 40 дан ортиқ ёшлар ўзлари яшаётган уйларни қуришда ишлаб, комсомол тўйини янги уйда ўтказиб, биринчи фарзандлари туғилишини ҳам шу ерда нишонлашди. Эндиликда аҳоли хизматида 3 та болалар боғча-ясли комбинати, 1000 ўқувчи таълим олаётган ўрта мактаб, 3 та ишчилар ошхонаси, 2 та магазин, аптека, бозор павильони, кўпгина маданий-маиший хизмат тармоқлари, 2 та меҳмонхона ва ётоқхона бинолари бор. Наманган қидирув-пармалаш идораси ходимлари ер тагида сув борлигини аниқлашди ва қисқа муддатда аҳоли хизматига топшириш тараддудини кўришяпти.

Биз тасвирлаётган жой — Наманган Чилонзорининг тўртинчи микрорайонидир. Бу ернинг чиройини очишга ҳисса қўшиш иштиёқи билан меҳнатга бел боғлаган Абдурауф Абдуллаев, Сайдулла Муродов, Евгений Бородин, Аҳмад Ғаниев, Владимир Усольцов, Абдулла Раҳмонбердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган қурувчи, монтажчи, пардозчи, бўёқчи, пайвандчи ва йиғувчилар бригадаларининг меҳр-муҳаббати билан янги шаҳарнинг жамоли гулгун бўлди, ой сайин ҳуснига ҳусн қўшилаётир.

Йирик панелдан уй-жой қуриш бошқармасининг тузилганига беш йил бўлди. Бу йиллар ичида меҳнатсеварлар 2,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, янги шаҳарга асос солдилар. Улар 55 та объектни «аъло» ва «яхши» баҳолар билан фойдаланишга топширдилар.

Кечагина биз бинокорлар тортиғи бўлган янги уйлардан иккитасини фойдаланишга топшириш вақтида ҳозир бўлдик. Шаҳар ижроия комитетининг комиссияси ҳар икки уйни қабул қилишда Сергей Чернишев, Сервер Ирсаев, Неъматулла Изатуллаев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоларини аъло муваффақиятлари билан табрикладилар.

Янги шаҳарнинг йирик саноат маркази бўлиб қолиши КПСС XXIII съездида қабул қилинган беш йиллик план Директиваларида ҳам кўрсатилган. Бу ерда штапель толадан шойи ва костюмбоп газламалар тўқиш комбинатининг тўла қувват билан ишга туширилишини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмани бажариш ҳаракатида фидокорлик кўрсатиб ишлаётган 18-қурилиш бошқармасининг коллективи ҳозир июнь ойи топшириғини бажариш арафасида турибди. Йигирув ва тўқув фабрикаларини тезда битказиш тадбирлари кўрилмоқда.

Наманган шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ У. Самадов шаҳар истиқболи ҳақида қувонч билан бундай дейди:

— 1966—1970 йилларда мазкур микрорайон ёнида яна иккита микрорайон қад кўтаради. Ҳар бир микрорайонда қирқ минг квадрат метр уй-жой, маданий-маиший бинолар, маориф ва болалар муассасалари қурилади. Марказда почта, телеграф, стадион, касалхона, комбинатда ишловчи мутахассислар тайёрлайдиган техникумлар учун бинолар қуриб берилади. Шаҳар аҳолиси яна 75 минг квадрат метр янги уй-жойга кўчиб киради, 20 мингдан зиёд хонадон газ олади. Хуллас, Наманган Чилонзори бу беш йилликда 50 минг киши яшайдиган янги шаҳарчага айланади.

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**А. ХАЙРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзолари.**

---

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА босилгандан КЕЙИН

## АДАШГАН ВА АДАШГАНЛАР

**«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 26 март сонида ахлоқ мавзуида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада «Ленинизм» қишлоқ матлубот жамиятининг ходими Эргаш Назировнинг кирдикорлари фош этилган эди. Шу муносабат билан Янгийўл район партия комитети редакцияга қуйидагиларни билдирди.**

**Гензиришда танқидий мақолада келтирилган фикрлар тўла тасдиқланди. Хотин устига хотин олиб, уларни хўрлагани, жиноий ишларга қўл ургани, жамоатчилик танбеҳидан тегишли хулоса чиқариб олмагани учун Эргаш Назиров партия сафидан ўчирилди, матлубот жамияти раҳбарларига уни ишдан четлатиш топширилди.**

---

# ХОМ АШЁ БОР-У, ЛЕКИН...

Сурхондарё областида етиштирилган пилла ҳосилини қайта ишлаш учун бирорта ҳам корхона йўқ. Сурхондарё пилласи кўп харажатлар сарфлаб Грузия ССРга ва бошқа жойларга жўнатилаётир. 50-60 тонна юк сиғадиган вагонларга 2-3 тонна пилла жойлаб юборилаётганлиги сабабли пилла таннархи қимматлашиб кетяпти, хом ашёнинг сифати бузилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда **областнинг ўзида етиштирилган пилла ҳосилини қайта ишлайдиган фабрика барпо қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди,** деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, пиллакашлик фабрикасини Денов шаҳрида қуриш ҳар жиҳатдан яхши бўлади. Йўлга яқин, сув билан таъминланган, энергия олиш учун имкониятлар етарли, ишчи кучи кўп.

Областда 6 та пахта заводи бор. Ўтган йили етиштирилган ҳосилни ишлаш учун ана шу заводларнинг қурби етмади. 8000 тонна пахта Бухородаги заводларга юборилди. Келажакда Комсомолобод, Ангор ва Жарқўрғон пахта заводларини қуриш мўлжалланмоқда. Бу заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам областда етиштириладиган пахтани қайта ишлаш учун етарли эмас. Янги заводлар қурилишини тезлаштириш керак. Бугина эмас, қўшимча қувватларни ишга солиш, яна янги пахта заводлари қуриш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Пахта заводларида ажратиб олинган чигитни узоқ масофаларга жўнатиш одат бўлиб қолган. **Областда чигитдан ёғ ажратиб оладиган корхоналар етарли эмас. Денов шаҳрида ягона ёғ-экстракция заводигина мавжуд. Бу завод областдаги пахта заводларидан чиққан ҳамма чигитни ишлаб улгиролмайди.**

**А. ИСМОИЛОВ,**
**Сурхондарё области.**

---

# ИНСОН ВА ...

(ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ)

◆ ◆

Ҳар бир киши учун бутун жамиятнинг социалистик уюшқоқлиги ва бутун жамият учун ҳар бир кишининг социалистик интизомли бўлиши — социалистик демократиянинг моҳиятидир. КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига ҳисобот докладида келтирилган бу сўзларда мамлакатимизда инсон, коллектив ва жамиятнинг ўзаро диалектик алоқаси кўрсатилган.

Социалистик революциянинг ғалабаси ва янги жамиятнинг барпо қилиниши инсон шахсининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун, унинг ҳар томонлама, гармоник камол топиши учун «ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» шиорини амалга ошириш учун ҳамма шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Социализм шароитида эҳтиёжларни қондириш манбаи ҳам, шунингдек шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг умумий йўналиши ҳам бир-бирига мос бўлиб тушади. Умуман коллектив ҳам, унинг ҳар бир меҳнатчиси, ишчи, деҳқон, зиёлиси ҳам техника тараққиётидан, фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишидан, меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб боришидан, меҳнаткашлар фаровонлигининг ўсишидан манфаатдор бўлади.

Улуғ Октябрь самараси бўлган бизнинг давлат ва ижтимоий тузумимиз, совет демократияси шахснинг ҳар томонлама, гармоник камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиб бермоқда.

Бизнинг миллий даромадимиз жаҳондаги энг катта даромадлардан биридир. У тўхтовсиз ошиб бормоқда, меҳнаткашларнинг даромадлари ҳам ортаётир. Сўнгги беш йил ичида миллий даромад 33 процент кўпайди ва ўтган йили 190 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди. Бу сумманинг деярли тўртдан уч қисми, яъни 141 миллиард сўмидан бевосита совет кишиларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланилди.

Мамлакатимизда халқ маорифининг кенг ривож топганлиги партия инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун нақадар зўр ғамхўрлик қилаётганининг ёрқин тимсолидир. СССР да ҳар 10000 кишига 111 студент тўғри келади. Бу Япониядагига нисбатан икки баравар, Франциядагига нисбатан деярли уч баравар, ГФР-дагига нисбатан деярли уч ярим баравар кўпдир. Бунинг устига барча совет студентлари меҳнаткашларнинг, асосан ишчилар ва деҳқонларнинг фарзандларидир. АҚШ да эса студентларнинг 58 проценти йирик буржуазия оилаларидан чиққанлардир, фақат 22 процентигина ишчилар ва кам ҳақ оладиган хизматчиларнинг фарзандларидир.

Ҳозирги вақтда АҚШ да аҳолининг бир проценти шахсий корпорациялар акцияларининг 76 процентини эгаллаб олган. Англияда аҳолининг бир проценти мамлакат бойлигининг 50 процентини эгаллаб олган. Америка статистикасининг маълумотларига қараганда, аҳолининг бешдан икки қисмидан кўпроғи қашшоқликда яшамоқда, 7 проценти мулкдор кишилардир.

Буржуазия муносабатлари инсон шахсини ногирон қилади. «Эркин дунё» деб аталган дунёда «инсон инсонга душман» деган ваҳший қонун ҳукм сурмоқда. Мулк эгаси қанчалик бой бўлса, меҳнаткашларни эксплуатация қилишни авж олдириш йўли билан ўз даромадларини кўпайтириш ҳамда рақибларини хонавайрон қилиш учун шунчалик кўп найранг ишлатади. Миллионер Гульд трест бошлиқларини таърифлаб, очиқдан-очиқ шундай деб ёзди: «Уларнинг ҳар бири муваққат ёки ночор иттифоқчиларининг устига тўсатдан ташланиш, уни қуролсизлантириб, янчиб ташлаш учун доимо пайт пойлаб юради...».

Империалистик мамлакатларда молия капиталининг ҳукмронлиги омманинг ижодини бўғмоқда, унинг илмий ва кашфиётчилик фаолиятини сусайтирмоқда. Масалан, АҚШ-да сўнгги 40 йил ичида патент олиш учун берилган аризалар миқдори (ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда) 40 процент камайиб кетди. Бу ҳодиса бошқа капиталистик мамлакатлар учун ҳам характерлидир.

Бизнинг мамлакатимизда инсон туғилиши биланоқ давлат, оила ғамхўрлиги билан қуршаб олинади, унинг қувноқ болалиги таъминланади, унинг ўқишига, мутахассисликни эгаллаб олишига имконият берилади. Лекин шуниси таассубки, ўзининг жамият олдидаги бурчини унутиб қўйган, фақат ўз ҳуқуқларини яхши биладиган кишилар ҳам учраб туради. Баъзи ёшлар ўз ҳуқуқларини яхши ўрганиб олганлар, кези келганда уни эслатиб ҳам турадилар, лекин ўзлари жамият учун нималар қилишлари кераклигини унутиб қўядилар.

Жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш — совет кишисининг шон-шараф ишидир. Шахснинг ижтимоий меҳнатда актив иштирок этиши, жамиятга қарши элементларга, текинхўрларга, юлғичларга, чайқовчиларга, безориларга, олға ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи нарсаларга қарши курашиш совет кишиси бурчининг ажралмас бир қисмидир.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми (1965 йил) экономикага илмий раҳбарлик қилиш проблемаларини қараб чиқар экан, меҳнаткашларнинг шахсий ва ижтимоий манфаатларини бир-бирига боғлаб олиб бориш, ишлаб чиқариш ходимларида моддий рағбатлантиришни ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор берди. Партия амалга ошираётган хўжалик реформасининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда корхона ва коллектив иқтисодий ҳаётнинг марказига қўйилган.

Социализм шароитида ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бир-бирига мос келиши инсон ва жамият ўртасида умуман ҳеч қандай зиддиятлар йўқ, деган маънони билдирмайди. Лекин бу зиддиятлар бизда антагонистик зиддиятлар эмас, балки мамлакатимизда шаҳар билан қишлоқ ўртасида, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида, турли малакадаги кишилар ўртасида муайян тафовутлар мавжудлигидан келиб чиққан зиддиятлардир. Вазифа ана шу зиддиятларни кўра билиш, уларни бартараф этиш чораларини кўришдан иборат. Партия ўз фаолиятини зиддиятларни тезроқ бартараф қилишга қаратмоқда. У ижтимоий ишлаб чиқаришни тез ривожлантириш, шахснинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш тадбирларини ишлаб чиқди.

# ЎРИМ-ЙИҒИМГА ШАЙЛАНМОҚДАЛАР

Чорвачилик Самарқанд районидаги ўқув-тажриба участкаси хўжалиги экономикасида етакчи тармоқ ҳисобланади. Хўжалик ходимлари чорва моллари зотини яхшилаш, уларнинг кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишда жонбозлик кўрсатиб, гўшт, сут етиштириш миқдорини йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар.

Хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий гарови — ғаллачиликка алоҳида эътибор беришлари. Бунга хўжалик ғаллакорларининг бу йилги ғайратлари мисол бўла олади. Улар ўтган йили куз фасли ва беш йилликнинг биринчи йили баҳорида 4003 гектар ерга дон экиб, ҳозир бошоқларда мўл ҳосил етиштирдилар. Бунда тажрибали деҳқон ўртоқ Журақул Назаров бошлиқ хўжаликнинг ғаллачилик бўлими ишчилари айниқса ўрнак кўрсатдилар.

Шу кунларда бўлим ишчилари Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози ғаллакорларининг ташаббусига қўшилиб, мавжуд 11 комбайнни белгиланган муддатдан анча илгари ремонт қилиб, ўрим-йиғим кампаниясига шай ҳолга келтирдилар. Ремонтда инженер А. Лобанов бошлиқ хўжалик механизаторлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Дон экинларининг ҳосилини қисқа муддатларда, нобуд қилмасдан йиғиб олинишини таъминлаш, давлатга дон сотиш, уруғлик ҳамда ем-хашак фондини жамғариш юзасидан белгиланган планларни ўз вақтида бажариш мақсадида ғаллакорлар автомашиналар ва дон тозалаш техникасини ҳам тахт қилмоқдалар.

Ғаллакорлар донни қабул қилиш ва тозалаш учун 4 та хирмонжой ажратдилар. Ҳозир ғаллакорлар хирмонжойларни тайёрлаш, атрофини ҳайдаш ва уларни ёнғинга қарши асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишларида тиниммай меҳнат қилаётирлар.

А. РАЖАБОВ.



Тошкент области. Калинин районидаги «Қорасув» совхозида ғалла ўрим-йиғими кенг кўламда бошланиб кетди. Суратда: (чапдан) арпаларни комбайн билан ўриш пайти. (Ўнгда) совхознинг илғор комбайнчиси ўртоқ Х. Шоймардонов.

И. Глауберзон фотолари.

# ЖОН ҚЎШНИ

## Ўзбек ва туркман пахтакорларининг дўстлиги

«Кўнгил кўнгилдан сув ичар», деган эди буюк туркман шоири Махтумқули. Ўзбек халқида «Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлар» деган мақол бор. Дўстлик, ҳамжиҳатлик шундай зўр кучки, унга жо қилган инсон мардлик ва жасорат кўрсатишга, ҳар қандай мушкулни енгишга, довонлардан довонларга дадил ва мардонавор боришга қодирдир.

Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги асрлар давомида чуқур илдиз отиб, худди пахта ниҳоли каби довур ва бўронларга бардош берган. Бу дўстлик Коммунистик партия раҳнамолиги ва ғамхўрлиги туфайли тобора мустаҳкамланиб, кучайиш ва енгилмасликнинг манбаига айланди.

Туркманистон ССР Тошовуз зонасидаги районлар Хоразм области билан қўшни. Ерлар ҳам, диллар ҳам бир-бирига туташ. Ўртамизда ажралмас мусобақа бор. Бирга-ликда ариқ қазиб, бир канадан сув ичамиз. Каттакўл магистрал коллекторини ҳамкорликда қурдик, ҳар бир кун бирга бошламоқчимиз. Эндиликда Туямўйин сув омборини ҳам умумий кучимиз билан қурамиз.

Мана, икки республиканинг икки колхози ўртасидаги ўзаро ёрдам ва доимий ҳамкорликни мисолга олайлик. Туркманистоннинг Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз Хива районидаги Охунбобоев номли хўжалик билан чегарадош. Далаларимиз бир-бирига туташ. Ўзаро тажриба алмашиб, маслаҳатлашиб турамиз. «Ён қўшни — жон қўшни» деганлар, тўй-маъракалар айтиш, «Пахта байрами» ва бошқа маросимларга, ҳисобот-сайлов йиғилишига бир-биримизни таклиф қилиш анъана бўлиб қолган.

Охунбобоев номли колхоз ўтган йили 1160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,6 центнердан пахта ҳосили олди. Машъаллар тажрибасини ўрганиб, амалда қўлланган Куйбишев номли колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни оширдилар, ўтган йили 1711 гектар ерининг ҳар гектаридан қарийб 32 центнердан кирдан етказдилар.

Охунбобоев номли колхознинг Ибодулла Сафаров бошлиқ бригадаси Куйбишев номли колхознинг Онна Отақличев бригадаси билан мусобақалашган эди. Улар бир-бирига ёрдамлашиб, бамаслаҳат ишлайдилар. Онна ака бригадаси ҳосилдорликни 42 центнерга етказиб, мусобақадошига тенглашиб олди.

Қўшни, қардош халқлар ўртасидаги чинакам дўстлик, аҳиллик ва ёрдам беришга ҳамиша тайёр туриш кундалик турмушимизда, умумий мақсад учун курашда яққол намоён бўлмоқда. Бир неча мисол келтирамиз.

... Куйбишев номли колхозда ғўза зараркунандаларига пайдо бўлди. Кўшни Пирнев бошлиқ бригадада ҳашарот кўпроқ тарқалди. Механизатор Борли Язкулиев хашоротга қарши далани ишлаётган эди. Охунбобоев номли колхоздан битта ОДН келиб қолди.

— Бизда ҳам ҳашарот тарқала бошлаган эди. Бир карра ишлаб бўлдик. Сизга ёрдамлашмоқчимиз, — деди қўшни колхоздан келган тракторчи.

Бу ёрдам ҳашаротни дафъ этишга қўшилган ҳисса бўлибгина қолмай, ўзаро ҳамжиҳатликнинг жонли ифодаси эди.

— Туркман колхозчилари ариқни баравар қазиб тахт қилишди. Сугориш тармоқларини юқори қисмидаги Охунбобоев номли колхозга қарашли анча ер эндигина тозаланаётган эди.

— Сув барвақт қуйилса умумий фойдамиз. Ариқни тозалашга ёрдамлашайлик, — дейишди туркман ўртоқлар.

— Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Матёқуб Юсупов «развездка қилиб юриб қумдан кўлма» топди. Эски кўпрук ичида ўғит запаси уюлиб ётган эди. Кўй қийи — энг яхши ўғит, нақд ҳосил. Уни албатта қўшнилар билан баҳам кўриш керак. Икки колхознинг прицепчилари ўғитни бўлиб кета кунда дала бошига ташиб олишди.

Иш жараёнидагина эмас, балки турмушда ҳам бунга ўхшаш характерли эпизодлар кўп. Қийин дамларда бир-биримизга далда берамиз, ёрдамлашиб юборамиз. Узвийнинг хонис, садоқатли дўстлари борлигини ҳис қилган киши бошқа ишни, кўпроқ тоғдек бўлади. Кўнгли кўтарилиб, руҳланади. Дўстлик ана шундай қудратбахш куч.

Умумхалқ байрами ССР Олий Советига сайловлар куни Ўзбеклар ҳам, туркманлар ҳам, халқас барча қардош, жонажон халқлар мунособ номзодлар учун овоз бердилар. Биз коммунистик билан партиясиз-лар блоки номзодлари учун, халқларнинг ленинча дўстлиги учун, дўстлик ва тинчликнинг буюк таянчи — Советлар диёрининг янада гуллаб-яшнаши учун овоз берганлигимиз билан беҳад фахрланамиз.

Умумий мақсад йўлидаги кураш ана шундай ҳамжиҳатлигимиз ва кучли эканлигидир, бирдадарлигимиз тобора мустаҳкамланаверсин!

К. МУРОДОВ,

Туркманистон ССР Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

С. ОЛЛАБЕРГАНОВ,

Хива районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

*Тарбия мавзуида*

# БЕФАРҚ ҚАРАМАНГ!

Маълумки, болаларнинг ахлоқ-одоби, фазилатлари оилада шаклланади. Оила болалар учун дастлабки тарбия мактаби бўлиб, ҳар бир катта ёшдаги оила аъзоси, айниқса ота билан она фарзандларнинг онгига, хулқига тез таъсир қилувчи энг яқин тарбиячилардир. Демак, ота-оналар ҳар бир ишда болаларга намуна кўрсатишлари, ўзлардаги энг яхши фазилатларни уларга ўргатишлари лозим. А. С. Макаренко ота-оналарга мурожаат қилиб, шундай деган эди:

«Сиз бировлар билан бошқа бировлар тўғрисида қандай суҳбатлашасиз, нимадан қувонасиз ёки қайғурасиз, дўстларингиз ва душманларингиз билан қандай муомала қиласиз, қандай куласиз, қандай газета ўқийсиз, — ҳаммасининг болалар учун катта аҳамияти бор...»

Бир-бирини самимий ҳурмат қиладиган, иноқ оилада ўсган болалар одобли, софдил бўлиб камолга етадилар.

1919 йилдан бери коммунист, шахсий пенсионер Йўлдошхўжа Ойхўжаев Туркистонда Советлар ҳокимиятини қуриш ва мустаҳкамлаш учун курашган. Ерсув ислоҳотида, коллективлаштиришда фаол қатнашган. Суяги меҳнатда қотган. Йўлдошхўжа аканинг умр йўлдоши Мунисхон опа ҳам тиниб-тинчимайдиган аёллардан.

Уларнинг тарбиясини кўрган фарзандлар меҳнатга, ўқишга чаққон бўлиб ўсишди. Йўлдошхўжа аканинг катта қизи Матлуба олий маълумотли. Октябрь районидаги 15-мактабда муаллимлик қилади.

Эркин — олим, фан кандидати. У қишлоқ хўжалик институтида дарс беради. Тўлқин чет тиллар институтини тамомлаган. Ҳозир масъул ишда. Ўғли Учқун ҳам олий ўқув юртини тамомлаган. Газ саноати соҳасида ишлайди. Учқуннинг хотини Фазилат ҳам фан кандидати, химия институтида ишлайди.

Яшнар педагогика институтини тамомлаб, Калинин районидаги мактаблардан бирида болаларни тарбия қиляпти. Ғайрат Совет Армияси сафида ҳарбий бурчини ўтаяпти.

Йўлдошхўжа ака қизларини ҳам ўқимишли, маданиятли кишилар қилиб етиштиришни ўйлайди. Яйра яқинда Охунбобоев номидаги медицина билим юртини тамомлаб, граждан ҳаво флотида «тез ёрдам» самолётида ҳамшира бўлиб ишлаяпти. Ўрта маълумотли Тамара эса болалар боғчасида мураббия.

Ғамхўр оталардан яна бири Шораҳим Шоюсупов ҳам ўн бир болани тарбия қилади. Шоюсупов область аптека бошқармасида ишлайди. Шораҳим ака ўғил-қизларининг ўқишини ҳамма вақт кузатиб боради. Ўқитувчиларнинг маслаҳатларига қулоқ солади. Ўз болаларига нисбатан меҳрибон ва талабчан.

Бундай яхши оилаларга ҳавас қилса арзийди.

Лекин, баъзи ота-оналар бола тарбиясига мутлақо эътибор бермайдилар. Улар ўқитувчиларнинг фойдали маслаҳатларига, огоҳлантиришларига қулоқ солмайдилар. Мактабда болалар тарбиясига бағишлаб чақирилган йиғилишларга қатнашишдан бош тортадилар. Улар ҳатто ўғил-қизларининг кундалик дафтарларига қарамайдилар.

Тошкентдаги 4-ўрта мактаб ўқувчиси Бахтиёр Бойматов иккинчи йили 5-синфда ўқиётганига қарамай, дарсларга мунтазам қатнашмайди. У ўқув йилининг фақат иккинчи чорагидаёқ 182 соат дарс қолдириб, кўп фанлардан баҳо олган йўқ. Бунинг устига Бахтиёрнинг хулқи ҳам ёмон бўлиб, у мактабдан ташқари вақтларида кўчада сандироқлаб юради.

— Бахтиёрни ўқишга қизиқтириш учун кўп уриндим, — дейди бешинчи синф раҳбари Инобат Ваҳобова. — Уйига неча марта бориб онаси ва қўни-қўшнилари билан суҳбатлашдим. Қўшнилар, Бахтиёрнинг онаси ҳеч қаерда ишламай кун кечиришини, ахлоқсиз аёл эканлигини айтиб, уйида бола тарбиясига хилоф ишлар билан шуғулланишини нафрат билан гапириб беришди.

Бу ҳол Бахтиёрнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Натижада Бахтиёр бир куни ўғрилик устида қўлга тушди ва болалар қабулхонасига топширилди. Дарҳол мактаб педагогика совети чақирилиб, яна Бахтиёрнинг хулқи муҳокама қилинди. Онаси Бойматова педсоветга таклиф қилинган бўлса-да, келмади. Шундан сўнг ўқитувчилар Бахтиёрнинг келгусида яхши одам бўлиши учун, юқори ташкилотлардан сўраб, Бахтиёрни онасининг «тарбия»сидан ажратиб олишга ва уни махсус интернатга жойлаштиришга қарор қилдилар.

М. Горький кўчасидаги 9-тупик, 49-уйда турувчи С. Раҳимов ҳам бола тарбиясига бефарқ қарайдиган оталардан. Унинг қизи Маъмура 19-мактабнинг 5-синфида, ўғли Қобил эса 4-мактабнинг 4-синфида ўқийдилар. Улар кўпинча дарсларга қатнашмайдилар. Собир ака бирор марта ўғли ёки қизи ўқийдиган мактабга борган эмас. У: «Ўзларига керак бўлса ўқисинлар, мен уларни мажбур қила олмайман» деб важ кўрсатади. Аслида унинг оиласида аҳиллик-ҳамжиҳатлик йўқ.

Вагон проезд, 2-тупик 5-уйда турувчи Тўлан аканинг ҳам ўқув ёшидаги икки боласи бор. Ота билан она болалар ҳузурида кўп жанжаллашадилар, болалар тарбиясига бефарқ қарайдилар. Шунинг учун 19-мактабда ўқийдиган боласи ҳам, 4-мактабда ўқийдиган фарзанди ҳам иккиуч йиллаб бир синфда қоладилар. Дарсларга вақтида келмайдилар. Интизоми ҳам ёмон.

Ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жамиятимизга муносиб, одобли, ҳар тарафлама билимли ва маданиятли бўлиб камол топишини орзу қилади. Улар шу орзуни рўёбга чиқариш учун ҳамиша мактаб билан яқин ҳамкорликда иш кўришлари, шунингдек ҳамкасблари ва қўни-қўшниларининг болалари ҳақида ҳам қайғуришлари, уларнинг одоб ўрганиши ва билим олишига бефарқ қарамасликлари керак.

З. ЮНУСОВ,

Тошкент шаҳридаги 4-мактаб директори.

А. КАТТАХУЖАЕВ,

шу мактаб ўқитувчиси.

# ПАРВАРИШ КУЧАЙТИРИЛСИН

МУСОБАҚАДОШЛАР ДАЛАСИДА

Беш йилликнинг биринчи йилида мусобақадошимиз Қоракўл район меҳнаткашлари давлатга 43 минг 300 тонна пахта, 1400 тонна сабзавот, 630 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 1440 тонна гўшт, 2310 тонна сут, 453 тонна жун, 5600 дона қоракўл тери, 1 миллион 530 минг дона тухум ва бошқа маҳсулотлар сотишга аҳд қилганлар. Бу юксак мажбуриятларни ошиғи билан бажариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Райондаги кўп колхозлар ғўзанинг биринчи комплекс парваришини муваффақиятли тамомлаб, иккинчи парваришни жадал олиб бораётирлар. Бу йилги баҳорнинг ноқулай келиши ғўзаларнинг ўсишини бир қанча кечиктирди. Ана шу кечикиш оқибатларини тугатиш учун барча техника воситалари ва ишчи кучини тўлиқ сафарбар қилиш, ҳар бир литр сувнинг қадрига етиш керак.

«Ленинград», Карл Маркс номли ва бошқа бир қанча колхозларда дала ишларининг ташкил қилиниши бизни қувонтирди. «Ленинград» колхози пахтакорлари 1225 гектар майдондан 2268 тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Колхозда ғўза қатор ораларини ишлаш ва суғориш намунали олиб борилмоқда. Сувдан фойдаланиш қаттиқ контроль қилинмоқда. «Октябрь» колхозининг Ўлмас Жумаев, «Шарқ юлдузи» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Тўйбиби Қодирова, «Ўзбекистон» колхозининг Абул Маҳмудов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши, озиқлантириш, суғориш ишлари ҳар жиҳатдан кучайтириб юборилган.

Бироқ, кўпгина хўжаликларда дала ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ленин номли колхозда 900 гектар майдондан энди 70 гектар майдондаги ғўза суғорилган, холос. Хўжалик раҳбарлари (раиси Р. Тоғаев, партком секретари Х. Рўзиев ўртоқлар) дала ишларининг конкрет графигини тузмаганлар. Шунинг натижасида иш ўлда-жўлда ётади. Бу колхозда кунига 6-7 гектар ғўза суғориляпти. Ҳолбуки мавжуд сув билан 30-40 гектардаги ғўзани суғориш мумкин. Колхозда чопиқ тракторларидан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Ҳар куни 25 чопиқ тракторидан 6-7 таси бекор туради.

Колхознинг И. Турсунов бошлиқ бригадасини олайлик. Бригада бу йил 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини қабул қилган. Ана шу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш иши жуда ёмон ташкил қилинган. Бригаданинг 50 гектарга яқин майдондаги пахтаси бегона ўтлар орасида қолиб кетган.

Калинин номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган. Бу йилги иш ўтган йилдаги аҳволнинг такрорланиш хавфини туғдирмоқда. Бутун колхоз бўйича ҳар куни бор-йўғи 10-11 гектар майдондаги ғўза суғорилаётганига нимани баҳона қилиш мумкин. 3, 5, 8-бригадаларда ҳалигача суғориш бошланмаган. Бу бригадаларнинг бошлиқлари «вақт эрта» деган зарарли кайфиятдан ҳалигача қутула олмаганлар.

«Ленин йўли» колхозида далада ишловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш мутлақо талабга жавоб бермайди. Кўпчилик бригадаларнинг дала шийпони безатилмаган. Иссиқ овқат пиширилмайди. Масалан, Гадой Остонов бошлиқ бригадада болалар боғчаси йўқлигидан ёш болали аёллар дала ишларига қатнаша олмаётирлар. Шунинг учун ҳам 90 гектар пахта майдонидан 50 гектарга яқини бегона ўтдан тозаланмаган. Бригадада бажариладиган ишларнинг сифатини колхоз агрономи Эшниёзов кўздан кечирмайди. Колхозда ишнинг сифатини текширувчи сифат комиссияси ташкил қилинмаган.

Колхозда минерал ўғитни исроф қилиш ҳолларига йўл қўйилган. Кўпгина бригадаларда азот очиқ ҳавода сақланмоқда. Қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини асраш ҳам эътибордан четда қолган.

Биз «Москва», «Октябрь», «Коммунизм», «Искра», «Шарқ юлдузи» ва бошқа колхозларда жуда кўп камчиликларни аниқладик. Шунингдек, колхоз партия ташкилотларининг партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишлари билан ҳам танишдик. Навоий номли колхоз партия ташкилоти (партия комитетининг секретари ўртоқ Қ. Тўхтаев) партия ва ҳукуматимизнинг энг муҳим қарорларини амалга ошириш соҳасида жуда суст ҳаракат қилмоқда.

Колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш жуда ҳам ёмонлиги меҳнат интизомининг сусайишига, дала ишларининг суръати ва сифатига салбий таъсир этмоқда.

Биз мусобақадош қоракўлликларнинг чорвачилик соҳасидаги ютуқларини ўргандик, камчиликларини кўрсатдик. Улар бизнинг фикр ва мулоҳазаларимиздан тегишли хулоса чиқариб оладилар. Зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, деб ишонамиз.

**Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари:**

**Н. ТОШЕВ — Ромитан район партия комитетининг секретари, З. ҲОЖИЕВ — район қишлоқ хўжалик бошқармасининг агрономи, Ф. ҲАМДАМОВ — «Ленинизм» колхози партия ташкилотининг секретари, С. САФАРОВ — «Коммунистик мўл-кўлчилик учун» газетасининг ходими.**

# ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:**

**Олтиариқ райони** (район партия комитетининг секретари **Т. Мирзаматов**, район ижроия комитетининг раиси **И. Тўйчиев**, район комсомол комитетининг секретари **Қ. Шодмонов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **И. Абдурасулова** ўртоқлар).

**Булунғур райони** (район партия комитетининг секретари **Ҳ. Ризаев**, район ижроия комитетининг раиси **А. Ҳакимов**, район комсомол комитетининг секретари **С. Жабборов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Ш. Маманов** ўртоқлар).

**Чироқчи райони** (район партия комитетининг секретари **П. Қурбонов**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Далиев**, район комсомол комитетининг секретари **М. Бобоқулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Х. Рўзиев** ўртоқлар).

**Қамаши райони** (район партия комитетининг секретари **Р. Эшонқулов**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Рахимқулов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Суюнов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Х. Олтинбоев** ўртоқлар).

**Хўжайли райони** (район партия комитетининг секретари **Д. Ожраев**, район ижроия комитетининг раиси **С. Юсупова**, район комсомол комитетининг секретари **Э. Ўрозниёзов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Ж. Йўлдошев** ўртоқлар)

**Чуст райони** (район партия комитетининг секретари **М. Бобохонов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Мамажонов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Жўраев** марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Т. Ботиров** ўртоқлар).

**Андижон райони** (район партия комитетининг секретари **Ж. Бадалов**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари **Ғ. Абдурасулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Сатторова** ўртоқлар).

**Наманган райони** (район партия комитетининг секретари **И. Набиев**, район ижроия комитетининг раиси **С. Пўлатов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Абдураҳимов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Ф. Ғофуров** ўртоқлар).

**Тахтакўпир райони** (район партия комитетининг секретари **Х. Давлатмуродов**, район ижроия комитетининг раиси **Ж. Жалхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **К. Райимбердиев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **С. Туменхўжаев** ўртоқлар).

**Хатирчи райони** (район партия комитетининг секретари **А. Каримов**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Очилов**, район комсомол комитетининг секретари **З. Бернаева**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Югай** ўртоқлар).

**Иштихон райони** (район партия комитетининг секретари **Б. Бўронов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Ҳабибов**, район комсомол комитетининг секретари **С. Жўраев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Т. Усмонов** ўртоқлар).

# ЖАМИЯТ

Ижтимоий ва шахсий манфаатларни бир-бирига гармоник боғлаб олиб бориш Ватанимиз бойлигининг янада кўпайиши билан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида партия ва совет органларининг илмий раҳбарлигини оқилона амалга ошириш билан, моддий ва маънавий стимулларнинг ролини тўғри ҳисобга олиш ва айниқса ҳар бир кишининг куч-ғайрати, унинг онгли меҳнат фаолияти, ижтимоий бурчга муносабати билан, жамият манфаатлари учун қандай хизмат қилиши билан боғлиқдир.

Мақсад ва ҳаракат бирлиги билан жипслашган кишиларнинг бирлашмаси — коллектив, жамият ва шахсни бир-бирига боғлаб турувчи бўғиндир. Жамият ва шахс худди ана шу коллективда бир-бири билан чатишиб кетади. Инсон коллективда ўз бурчини, ўз меҳнатининг жамият учун аҳамиятини англайди, ўз ижодий режаларини шу коллективда амалга оширади. Коллектив инсонни умуман, бутун жамият билан боғлайди, мамлакатнинг кўпқиррали ҳаётида унинг иштирокини таъминлайди.

Коллектив жамиятнинг ячейкаси бўлиб, унинг формалари хилма-хилдир. Ишлаб чиқариш, мактаб, оила ва бошқалар ана шу формалардандир. Ишлаб чиқариш асосий форма ҳисобланади. Ишлаб чиқариш коллективи биргаликда қилинадиган меҳнат фаолияти билан боғланган кишиларни бирлаштириб туради. Бу шахс камол топадиган, у ривожланадиган асосий жабҳадир.

Социалистик коллектив фақат ишлаб чиқариш ташкилотигина эмас, унинг фаолияти меҳнат соҳасига ҳам, шунингдек бўш вақтни, дам олишни ва турмушни ташкил этиш соҳасига ҳам тааллуқли бўлади. Инсон коллектив билан нақадар жипсроқ боғлиқ бўлса, у Ватан олдидаги ўз ижтимоий бурчини шу қадар яхшироқ адо этади. Шахс коллективни ҳурмат қилиши, унинг фикрига қулоқ солиши керак. Шу билан бир вақтда, коллектив инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишга, унинг бошига кулфат тушганда, бахтсизлик юз берганда ёрдам кўрсатишга мажбурдир. Шахснинг коллектив билан алоқаси сусайса, бу унинг онгида капитализм сарқитларининг жонланишига олиб келиши мумкин, у жамият олдидаги бурчини енгил-елпи бажарадиган, ҳатто жамиятга қарши турли элементлар компаниясига ўтиб қолиши мумкин.

Ажойиб совет педагоги А. С. Макаренко бундай деб ёзган эди: «Биз айрим шахсларни тарбиялаётганимизда бутун коллективни тарбиялаш тўғрисида ўйламоғимиз лозим. Амалда бу ҳар икки вазифа фақат биргаликда ва фақат умумий тарзда ҳал этилади. Шахсга таъсир кўрсатишимизнинг ҳар бир дақиқаси коллективга таъсир кўрсатиш дақиқаси бўлмоғи лозим. Аксинча, коллектив билан ҳар бир учрашувимиз шу коллектив аъзоси бўлган ҳар бир шахсни тарбиялашга тааллуқли бўлсин». (Асарлар, 1958 йилги нашри, 7- том, 354-бет).

Шахс билан коллектив ўртасида ўзаро тўғри муносабатнинг вужудга келишида ижтимоий ва шахсий манфаатларни, моддий ва маънавий стимулларни меҳнат билан тўғри олиб бориш муҳим роль ўйнайди. Масалан, меҳнатга моддий рағбатлантиришни инкор этиш ишлаб чиқариш коллективининг шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятларини камайтиради, бундан эса бутун ижтимоий муносабатларнинг негизи бўлган меҳнат процессига путур етади. Шу билан бир вақтда, коллективда олиб бориладиган тарбиявий ишларда маънавий таъсир кўрсатишнинг сусайтириб юборилиши меҳнат процессини, «нейтраль» қилиб қўяди, меҳнаткашларда юксак маънавий фазилатларнинг шаклланишига ёрдам бермайди. Коллективда тарбиялаш масалаларини ҳал қилиш вақтида кишиларнинг ва коллективнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши вазифасини эътиборга олмоқ керак.

Партия ташкилоти ҳар бир коллективнинг ўзагидир. У раҳбарлик қилувчи ва йўналтириб турувчи кучдир. Партия ташкилоти, тарбиявий ишларнинг ҳамма жиҳатларига, шу жумладан кишиларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш масалаларига ҳам яхши эътибор бераётган жойларда коллектив ўз ўртоқларига нисбатан талабчанлик, принципиаллик, адолатлик ва ғамхўр бўла оладиган доно маслаҳатчидир.

Ёшларни тарбиялаш ҳозирги даврда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ёшлик ҳаётнинг унутилмас давридир. Ёшлар ижодий ташаббускор, янгиликка, гўзалликка интилувчи бўладилар. Вазифа ёшларнинг бутун куч-ғайратини коммунизмнинг буюк идеалларига хизмат қилишга қаратишдан иборатдир.

КПСС XXIII съезди комсомолни совет ёшларини ленинизм руҳида тарбиялашда, ғоявий чиниққан, меҳнатсевар, ҳар томонлама камол топган кишилар қилиб етиштиришда партияга зўр ғайрат ва қатъият билан ёрдам беришга чақирди. Комсомолнинг бутун фаолияти асосий вазифа — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилгандир.

Революция жангчиси Феликс Дзержинский бундай деб ёзган эди: «Бошқалар учун ёрқин нур бўлиш, ёрқин нур сочиб туриш — инсон етишмоғи мумкин бўлган энг олий бахт ана шундан иборат. Ана шунда инсон на азоб-уқубатдан, на ғам-ғуссадан, на муҳтожликдан қўрқади. Ана шунда инсон ҳаётни чинакам севишни энди ўрганган бўлса-да, ўлимдан ҳам қўрқмайди. Ана шунда инсон ер юзида ҳамма нарсани кўради, эшитади ва тушунади, шундагина у ўзининг тор қобиғидан чиқиб, бутун инсониятнинг қувончи ва ташвишини сезадиган бўлади ва фақат шундагина чин инсон бўла олади».

Совет кишилари социалистик тузумнинг афзалликларига, мамлакатимизда жамият ва шахснинг туб манфаатларининг умумийлигига таяниб, партия раҳбарлигида коммунистик қурилишда янги ғалабаларни қўлга киритадилар, беш йиллик планни, КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли бажарадилар.

Г. ЛУКАВА,

фалсафа фанлари кандидати.

# Халқаро ҳаёт

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

## ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЖЕНЕВА, 15 июнь. (ТАСС). Жаҳон тинчлик кенгашининг бу ерда ўтказилаётган сессиясида қатнашиб турган Ҳиндистон ва Покистон делегациялари бугун қўшма Декларация эълон қилдилар. Улар Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматларининг бошлиқлари имзолаган Тошкент Декларациясини, шунингдек «барча низоли масалаларни куч қўлланмай тинч воситалар билан ҳал қилишга интилиш ифодаси бўлган шу Декларациянинг руҳини» қувватлаётганликларини айтдилар. Ҳар иккала делегация Ҳиндистон билан Покистон ўртасида тинчлик яна қарор топганлигини ва муносабатлар аста-секин нормаллашиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Улар ўз ҳукуматларига мурожаат қилиб, «Тошкент Декларациясида кўзда тутилган чораларнинг ҳаммасини астойдил ва тўла амалга ошириш йўли билан бу ишни мумкин қадар тезроқ поёнига етказишни ва шу Декларация руҳида чора-тадбирлар кўришни янада давом эттиришни» илтимос қилдилар.

Ҳиндистон ва Покистон делегациялари «ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида тинчликни яна барқарор қилиш ишида Совет Иттифоқи Бош Министри, Совет Ҳукумати ва совет халқи конструктив роль ўйнаганлигини» айтиб, бунга юксак баҳо бердилар.

Декларацияда ҳар иккала мамлакатдаги холис ният кишиларнинг ҳаммаси «икки халқ ўртасида дўстлик ва холис ният вазиятини вужудга келтирмоқ, фанатизм ва нафрат кучларига қарши курашмоқ ҳамда жанжалларни тенглик ва адолат принципларига мувофиқ тезроқ ҳал этиш мақсадида жамоатчилик фикрини сафарбар қилмоқ учун энг кўп куч ва ғайрат сарфлашлари» керак, дейилади.

## СОҒЛОМ ФИКР ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИ

### ФРАНЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ КУВ ДЕ МЮРВИЛНИНГ СОВЕТ РАДИОСИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Франция Республикаси президенти генерал де Голлнинг СССРга қиладиган сафари муносабати билан Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвилнинг интервьюси 15 июнь кечқурун совет радиоси ва телевидениеси орқали эшиттирилди.

Франция Республикасининг президенти генерал де Голль бир неча кундан сўнг Совет ҳукуматининг таклифига биноан, жавоб визити билан сафарга чиқаётганлигининг ўзи, деди Кув де Мюрвиль, Франция — Совет муносабатлари ҳозир яхшиланиб қолганлигини кўрсатувчи далилдир, далил бўлганда ҳам, энг ёрқин далилдир. Бу визитнинг ўзи Франция — Совет муносабатлари, ҳеч шубҳасиз, тагин ҳам яхшиланиб кетишидан далолат беради. Генерал де Голлнинг Москвага сафари шу муносабатларнинг бундан буён янада ривожланишига янги йўл очиб беради.

Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, яъни қитъамиз доирасида бизнинг олдимизда турган вазифаларни ҳал қилиш Ғарбий Европа мамлакатлари билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида яхши муносабатлар вужудга келтирилишига боғлиқ, деб ўйлаймиз. Бошқача қилиб айтганда, бу иш барча мамлакатлар ўртасида дўстлик муносабатларини нормаллаштиришга ва ривожлантиришга боғлиқ. Менингча, фақат мана шундай сиёсий иқлим шароитидагина мунозаралар олиб бориш ва эҳтимолки, Германия проблемаси, Европа хавфсизлиги проблемаси сингари бизнинг олдимизда турган катта проблемаларни ҳал қилишга йўл топиш мумкин бўлур эди.

Мана шу катта ишда Совет Иттифоқи ва Франция каби мамлакатлар жуда муҳим роль ўйнашлари мумкин. Асосан улар, менингча, ўзларининг намуналари билан шундай роль ўйнашлари ва соғлом фикр ва тинчлик йўли бўлиб бизга кўринган йўлга ўзларининг дўстларини — сизларнинг дўстларингизни ва бизларнинг дўстларимизни демоқчи эмасман, балки ўзларининг дўстларини —тортишга ёрдам беришлари мумкин.

Министр умум Европа ҳамкорлиги масаласига тўхталиб, дедики, генерал де Голлнинг фикрича ва менинг фикримча, умум Европа ҳамкорлиги Европадаги барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг нормаллаштирилиши ҳақиқатан амалга оширилади, деган маънони билдиради. Муносабатларнинг бундай нормаллаштирилиши Европада турли сиёсий режимлар мавжудлигидан келиб чиқаётган қийинчиликларга асло бўйсундирилмаслиги керак. Бизнинг фикримизча, бу кейинги факт халқаро муносабатларда роль ўйнамайди — ҳамманинг мустақиллигини ҳурматлаш ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган нормаллаштириш тўғрисида гапираётирман.

Сўнгра Кув де Мюрвиль дедики, мен генерал де Голлнинг Москвага қилаётган сафарида унга мамнуният билан ҳамроҳ бўлиб бораман. Москваликлар барча совет кишилари каби меҳмондўст ва тинчликсевар кишилардир. Бунга илова қилиб, яна шуни айтмоқчиманки, улар биз, французлар учун, дўст кишилардир.

Бизнинг мамлакатларимиз бир-бирларини таниган қадимий вақтлардан бери Франция билан Россия ҳамиша бир-бирларига меҳр қўйиб келдилар, деса бўлади, инсоний жиҳатдан ҳам, шахсий жиҳатдан ҳам улар ўртасида яхши, баъзан жуда дўстона муносабатлар ўрнатилиб келган. Кейинги 25 йил ичида бизларнинг ҳам, сизларнинг ҳам бошимизга тушган барча қийинчиликлар, азоблар ва кулфатлардан кейин мамлакатларимизнинг бир-бирига бўлган бу меҳри аввалгидек сақланиб қолди, деб ўйлайман ва эндиликда халқларимиз бир-бирларига меҳр кўзи билан қараётганликлари хам мутлақо табиийдир — ҳар ҳолда, бизларга келганда, мана шуни яхши англаб, комил ишонч билан энди биз Совет Иттифоқига ва, аввало, албатта Москвага бориш учун йўлга чиқмоқдамиз. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ Демократик Республикасининг деҳқонлари Америка самолётларидан тушаётган бомбалар остида ҳам далада фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Нам Нган қишлоқ хўжалик кооперативида ҳар гектар ердан 2 тоннага яқин ёзги шоли ҳосили олинмоқда. Суратда: шоли ўрими пайти.

(ТАСС фотохроникаси).

## НАМДИНДА ҚАҲР-ҒАЗАБ ТЎЛҚИНИ

ХАНОЙ, 15 июнь. (ТАСС). «Америка агрессорларини жазолашни талаб қиламиз!», «Америка учувчилари суд қилинишини талаб этамиз!» Ҳозирги вақтда бу шиорлар Шимолий Вьетнамнинг тўқимачилик гиганти Намдинь шаҳри ишчилари ва хизматчиларининг оммавий митингларида жаранглаб эшитилмоқда. Митинглар икки томондаги уйлари вайрон қилинган кўчаларда, ваҳшиёна бомбардимонларнинг жуда кўп қурбонлари дафн этилган шаҳар атрофида ўтказилмоқда. Америка авиацияси Намдинь шаҳрига 20 марта жуда қаттиқ ҳужум қилди. Америка самолётлари шаҳар касалхонасига, санаторийларга бомба ташладилар, икки мактабни, ибодатхоналарни ракеталар билан ўққа тутдилар.

«Нян зан» газетасининг мухбири хабар беради: қарийб 100 минг аҳолиси бўлган ана шу тўқимачилар шаҳрининг вакиллари машҳур инглиз философи Бертран Расселнинг ҳарбий жиноятчилар — АҚШ ҳукмрон доиралари устидан суд уюштириш тўғрисидаги ташаббусини қизғин табрикладилар. Шаҳар аҳолиси Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукуматига мурожаат қилиб, Шимолий Вьетнам устида уриб туширилган ва асир олинган Америка учувчилари устидан суд уюштиришни таклиф этди. Қилинган жиноятлар текшириб чиқилиши ва жиноятчилар қилмишига яраша жазоланиши керак, деб таъкидланади бу мурожаатда.

## ОРДЕН ҚАҲРАМОННИНГ ОНАСИГА ТОПШИРИЛДИ

ВАШИНГТОН, 15 июнь. (ТАСС). СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин бугун бу ерда «Нормандия-Неман» авиация полкининг француз учувчиси, Ватан уруши йилларида гитлерчиларга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган Жан де Сибурнинг онаси — В. Бэдфорд хонимга Иккинчи даражали Ватан уруши орденини топширди.

Гитлерчилар Германиясига қарши жанговар ҳаракатлар вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун ҳамда Совет ва Француз қуролли кучларининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳамдўстлигини нишонлаш юзасидан, СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 5 майдаги Фармони билан довюрак француз учувчиси марҳум Жан де Сибур Иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланган эди.

Гитлерчиларга қарши курашда ҳалок бўлган француз учувчисининг онасини зўр бериб қидириш бир йилча давом этди. Ниҳоят уни Гринс-Фармс шаҳридан (Коннектикут штати) топишди. Мана, ҳозир қаҳрамоннинг онаси совет элчихонасида.

А. Ф. Добринин Совет ҳукумати номидан қаҳрамоннинг онасига орден билан орден дафтарчасини топширди.

БУРЖУА публицистлари Италиянинг «иқтисодий равнақи» тўғрисида жар солмоқдалар. У гўё ишчилар манфаати билан капитал манфаатларини бир-бирига тенглаштириб қўйган эмиш. Бироқ, бу муваффақият витринаси орқасидан «гуллаб-яшнаш» деб аталмиш нарсанинг астари ҳам кўриниб қоляпти. Бу сурат Шимолий Италия шаҳарларидан бири — Веронада олинган. Шаҳар чеккасида бу оила ана шундай шароитда яшаяпти.

(ТАСС фотохроникаси).

## ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

### ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЖАНГЛАРИ

ЖАЗОИР, Португалия Гвинеяси билан Яшил Бурун ороллари Африка мустақиллиги партияси мунтазам армиясининг отрядлари берган зарбалар остида, дейилади, шу партия вакилларининг Жазоирда эълон қилган ахборотида, кейинги вақтларда Португалия мустамлакачилари «жуда кўп одам ва моддий талафот» бердилар.

Ахборотда айтиладики, мунтазам армия партизанлар ёрдамига таяниб, апрель ва майда мамлакатнинг ҳамма фронтларида бир қанча дадил жанглар қилди. Шу жанглар натижасида апрель ойининг ўзидагина Португалия қўшинларининг солдат ва офицерларидан мамлакат жанубида 53 киши ўлдирилди. 100 дан кўпроқ киши жароҳатлантирилди. Мамлакат шимолида ҳаракат қилаётган отрядлар душманнинг 13 машинасини портлатдилар ва кўпгина қурол-яроғларни қўлга туширдилар. Португалия солдатлари ва офицерларидан 83 киши ўлдирилди.

Май ойида мунтазам армия отрядлари мустамлакачиларнинг Мадина, Беванди, Фарим ва бошқа жойлардаги истиҳкомлик ҳарбий лагерларига бир неча марта дадил ҳужум қилдилар. Душман солдатлари ва офицерларидан 50 дан кўпроқ киши қириб ташланди.

### БЕЧУАНАЛЕНДДА САЙЛОВ

ЛОНДОН. Англиянинг Жанубий Африкадаги протекторати Бечуаналенд территориясида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов ўтказилди. Аҳолиси 550 минг кишидан иборат бўлган бу протекторатда яшовчи катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммаси сайловда қатнашди.

Сайлов ўтказишдан мақсад 30 сентябрга қолмай шаҳар ва округ идораларининг ишга тушишини таъминлашдир, чунки 30 сентябрда Бечуаналенд Ботсван деган ном билан мустақил давлат деб эълон қилинади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бу территорияни қабила бошлиқлари ўрнида идора қиладиган бўладилар.

(ТАСС).

## ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво очиқ бўлади, Шимол томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида кечаси 14-19 кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, шимоли-шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

## ВУЛҚОН УЙҒОНМОҚДА

РИМ, 16 июнь, (ТАСС). Кеча Сицилия оролида Европада энг баланд Этна вулқони юзлаб метр баландликка эриган тоғ жинслари парчаларини пуркади, ҳар бир неча секунд орасида портлаш овозлари ҳавони ларзага келтириб турди. Вулқоннинг тинчлик даври бир ой давом этиб, кеча яна отилиб чиқа бошлади.

## ЖАНГ ОҒИР БЎЛАДИ...

**Футбол**

Кеча эрталаб филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов билан учрашиб қолдик. Одатдагидек, гап футбол ҳақида: «Пахтакор» — «Шахтёр» ўйини ҳақида борди.

— «Пахтакор» сўзсиз ғалаба қилади,— деди ишқибоз қатъийлик билан.— Биринчидан, ўзбек футболчиларининг руҳи баланд, ўзлари тетик. Мен бўлажак курашув ҳақида Геннадий Красницкий билан суҳбатлашдим. У ҳам «Пахтакор» кўтаринки руҳ билан ўйнаяжагини айтди. Бунинг устига, «Шахтёр»нинг капитани Сальков Минск шаҳрида бўлган ўйинда қўполлиги учун майдондан чиқариб юборилди. Бу, Сальков «Пахтакор»га қарши ўйнай олмайди, деган гап.

Энди «Шахтёр»нинг старший тренери Олег Ошенковнинг фикрига эътибор беринг:

— Ҳозирги кунда «Шахтёр» оғир аҳволда. Бунинг туб моҳияти, командамизда резервнинг йўқлигида кўринди. Бизнинг муваффақиятларимизни эсласангиз керак: 1961, 1962 йилларда СССР кубогини олдик, 1963 йилда финалга чиқдик, чемпионатда ёмон ўринларни олмадик. Биз бир хил состав билан ўйнаган эдик. Ўша йиллардаги ўйинчилар турли сабаблар билан командадан чиқиб кетди, айримларининг ёши ўтди. Мана шуларнинг ҳаммаси бу йил команданинг ёмон ўйнаётганлигига сабаб бўлмоқда. Ҳар ҳолда «Пахтакор»га қарши қўл қовуштириб турмаймиз, командангизнинг муваффақият билан мусобақалашаётганини назарда тутамиз...

Ҳозирги кунда тошкентликлар ҳар бир ўйиндан кейин тунгача бедор бўлиб, фикр суришади, чемпионат натижалари ёзиладиган календарнинг бўш катакларидан бирини ҳузур қилиб тўлатишади, командаларнинг турнир жадвалидаги ўрнини аниқлаб, келажак ўйин планларини тузишади.

Бу дақиқаларни ҳар қанча ёзган билан поёнига етиб бўлмайди, келинг, хаёлан фикрлашни табиий офатга қарши дадил кўкрак кериб турган, ўз иродасини букмай, унга қарши курашда мислсиз жасорат кўрсатаётган жонажон шаҳримиз Тошкентга бурайлик. «Комсомольская правда» газетасининг махсус мухбири В. Песков айтганидек, зилзила Тошкентдаги футбол мусобақаларига ҳеч қандай халақит беролмади. Ишқибозлар трибуналар ларзага келганда ҳам кўзларини футбол майдонидан олмадилар.

Эртага неча ўн минглаб тошкентликлар ҳаяжон билан марказий «Пахтакор» стадиони томон ошиқадилар, гўё бутун шаҳар транспорти стадионга қатнаётгандай. Ахир, ошиқмай ҳам бўладими! 13 июнь куни ҳамма ерда майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланган турда «қоида»ни бузиб, майдон эгаларидан 2 очкони тортиб олган ва чемпионат пешқадамларидан бири — «Спартак»ка етиб олган «Пахтакор»нинг эртаги учрашуви кимни қизиқтирмайди, дейсиз!? Яна шуни айтиш керакки, Одессанинг армия футболчилари «А» классида қатнаша бошлаганларидан бери «Пахтакор» билан бўлган тўрт учрашувни ҳам дуранг қилган эдилар. Ниҳоят, бу гал унга қарши тик келолмай, таслим бўлишга мажбур бўлдилар. «Пахтакор» бўйин эгдиролмаган команда энди битта: Ростовнинг армия футболчилари... Бунга ҳам ғал келиб қолар!

Футболга ҳамма ўз тенгқури билан боради. Турли мутахассисликдаги ишқибозлар ўз дилкашлари билан бу ҳақда бир неча кун бурунок келишиб қўйишган. Эртага улар маданият ва истироҳат боғларидаги соя-салқин жойларда, биллиард ва шахмат майдончаларида, қизил чойхоналарда ёки ишқибозларнинг макони —Қўғирчоқ театри атрофидаги скамейкаларда учрашадилар. Улар қаерда тўпланмасинлар бахслашадиган нарсалари битта — ўйин олдидан бўладиган мулоҳазалар:

— «Пахтакор» ютиши керак. Агар ютса, иккинчи ўринга чиқиб олиши ҳам мумкин.

— Қаёқдан биласан? Бу ростовликларнинг ўйинига боғлиқ-да. Улар ҳозир жуда яхши формада.

— «Шахтёр» икки йил кетма-кет СССР кубогини олган зўр команда. 11-турда «Арарат»ни 3:0 билан ютди-ку.

— Ўз майдонида ўйнаган эди-да. Ўтган турда Минскда 16-ўринда бораётган «Динамо»га ютқазиб қўйди-ку! Белоруссия футболчилари уни қувиб ўтиб, 13-ўринга чиқиб олдилар.

—1:0 биланми? Бунда тасодиф бўлиши мумкин. Эсингда борми, 1963 йили «Пахтакор»нинг ҳеч иши юришмай, охири «А» классининг иккинчи группасига тушиб кетгани. У вақтда Донецк футболчилари мавсумолди машғулотларини Самарқандда ўтказган эдилар. «Пахтакор» ўша йили 31 март куни мавсумнинг биринчи ўйинидаёқ «Шахтёр»га ютқазиб қўйган эди.

— Красницкий «Нефтяник» билан бўлган учрашувдагидек ўйнаса, ютқазмаймиз?

— 13-тур ўйналяпти, аммо марказий ҳужумчи Раҳматуллаев ҳали рақиб дарвозасига бирорта ҳам тўп ургани йўқ. Эҳтимол, эртага урар.

— Шариповнинг ўйинда қатнашолмаётгани бир оз ноқулай бўляпти. Ўтган сафар Науменко ҳам мусобақада иштирок этмади...

Ҳурматли футбол шинавандалари, ўз командангиз учун қайғураётганингиз, унинг ғалабасини истаётганингиз сезилиб турибди. Бир бирингиз билан талашиб-тортишиб ўтирманг! Спортда ҳар хил кутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкин. Сабр қилсангиз ҳаммасини эртага ўйиндан сўнг биласиз.

В. МАҲКАМОВ.
А. МАЪЗУМОВ.

### «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИГА

Қадрдонимиз, отамиз —Тўхтасин Жалиловнинг вафоти муносабати билан бизга ҳамдардлик билдирган ташкилотлар ва кишиларга самимий миннатдорчилигимизни газетангиз орқали маълум қилишингизни илтимос қиламиз.

Тўхтасин Жалиловлар оиласи.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови (рус.), 8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Увертюралар, 9.45— Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.30 — Ўзбек операларидан парчалар, 11.10 — Халқ контроли амалда, 11.25 — Чолғу куйлари, 12.15 — Қўшиқлар, 12.50 — Туркман радиоси эшиттириши, 13.00 — Чорвадорлар учун (қоз.), 13.30 — Енгил фортепьяно куйлари, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15— Концерт, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Концерт, 18.30 — Қўшиқлар, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — Концерт, 20.30 — Жангчилар талабига мувофиқ концерт, 21.20— Қўшиқлар, 21.55 — Озодалик — саломатлик гарови, 22.10 — Эстрада концерти, 23.10 — Концерт.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Болалар учун мультфильм, 17.25 — Телевизион янгиликлар, 17.40 — Реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 17.45 — Эстрада концерти, 18.25 — Телевизион янгиликлар, 18.40 — Ғазалхон ёшлигим.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

## КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Алданган ва хўрланган — САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, 4 ва кеч 9 да).

Тайга десанти — «ЎЗБЕКИСТОН», СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Етти азамат — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Хотинлар — «ДРУЖБА» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Жунгли қизи —«ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

«Комета» матроси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда)

Етти азамат — НАВОИЙ номли, ҚАФАНОВ номли, «ХИВА».

Алданган ва хўрланган — «ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ».

Жунгли қизи — «РАКЕТА».

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузашти — «ОҚТЕПА».

Жасурона чақириқ — ПУШКИН номли.

Жаноб 420 — СТЕПАН РАЗИН номли.

Газанда — «САЛЮТ».

## ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 28 июнь кундуз соат 2 да, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг илмий совети мажлисида

Д. Ҳакимов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Шпинделли пахта териш машинасининг вентилятор-сепараторида пахта сепарацияси процессини текшириш» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Учитель кўчаси, 39-уй).

1966 йил 28 июнь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 35-уй, 133-аудитория).

Я. Аминов — Физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Пластинканинг эластик-пластик тебраниши» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 29 июнь кундуз соат 2 да, Тошкент Давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали)

М. А. Ахтамов — медицина фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Эмизак ёшдаги болаларда ич кетиш касаллигининг этиология масалалари» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Карл Маркс кўчаси, 103-уй).

## ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ИССИҚКУЛ (АНАНЬЕВО)ГА ҳар куни

рейс автобуслари ҚАТНАМОҚДА

Автобус «Шота Руставели» автостанциясидан кеч соат 9 да жўнайди (7-трамвайнинг охирги остановкаси).

«Ўзбекфильм» киностудияси ҳузуридаги КИНОАКТЁРЛАР СТУДИЯСИ киностудиянинг вакант актёрлар вазифасида ишлаш учун

## КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда театр ихтисоси бўйича олий маълумотли ёки театр ва кино соҳасидаги ишдан етарли тажрибаси бўлган, 40 ёшдан ошмаган, ўзбек тилини мукаммал билган ва Тошкент шаҳрида яшаб турган актёрлар қатнаша олади.

Конкурсда қатнашишни хоҳлаган кишилар киноактёрлар студиясининг конкурс комиссиясига ариза топширадилар ва айни замонда асосий иш жойларига шу тўғрида ёзиб маълум қиладилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумот ҳақида ҳужжат, кадрларни ҳисобга олиш варақаси (кейинги йилдаги фотографияси билан), таржимаи ҳол, кейинги иш жойидан тариф категорияси кўрсатилган (раҳбарлик ва жамоат ташкилотлари имзолаган) ижодий характеристикаси, кейинги икки-уч йилда спектакллар ва кинокартиналарда ўйнаган роллари ҳақида (тегишли кадрлар бўлими тасдиқлаган) рўйхат, ўйнаган ролларидан мавжуд фотолар ва шахсий фотографиялари.

Конкурс 15 июлдан 25 августгача ўтказилади.

Ҳужжатлар 15 июлгача қабул қилинади.

Конкурсга ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Шу йил 1 июлдан ўзбек тилида

## „Тошкент оқшоми"

ва рус тилида

## „Вечерний Ташкент"

ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Бу газеталар «Правда» газетаси форматида, ҳафтада олти марта чиқади.

Обуна баҳоси: ярим йилга — 3 сўм, 1 ойга — 50 тийин.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва узелларида, шунингдек иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти. Матбуот тарқатиш бошқармаси «Союзпечать».

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТАШУВЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОТРЕСТИНИНГ 39-АВТОБАЗАСИ

III класс шофёрлар тайёрлайдиган

## КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Қўйлиқ посёлкаси, Максим Горький кўчаси (7, 17-автобуснинг «Қўйлиқ» остановкаси).

ТОШКЕНТ СИГНАЛИЗАЦИЯ ВА АЛОҚА ДИСТАНЦИЯСИ билдирадики,

## темир йўл АТСи

телефонистканинг жавобисиз,

АВТОМАТ РАВИШДА ИШЛАЙДИ.

Шаҳардан телефон қоққанда, аввал В-8 рақамини териб, кейин темир йўл АТСи абонентининг номерини териш керак.

Темир йўл АТСидан шаҳарга телефон қоққанда, аввал 7 рақамини териб, кейин станциянинг жавобини кутмасдан, шаҳар номерини териш керак.

## БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

наборщиклар, линотипчилар, печатниклар, қоғоз қирқувчи, приёмщиклар, шогирдлар, электромонтёр, автослесарь, автоэлектрик, шофёрлар, юкчилар, кир ювувчилар, ёрдамчи ишчилар, ошпазлар, ошхона ишчилари, вахтёрлар, уборщицалар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уйда Бирлашган нашриётнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.


Республика прокуратураси коллективи Ўзбекистон ССР прокурори М. Мақсумовга акаси

Жўрабой МАҚСУМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бизнинг адрес: СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34453. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — [illegible]. Қишлоқ хўжалиги — [illegible]. Маданият, фан ва мактаблар — [illegible]. Хатлар бўлими — [illegible]. Ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — [illegible]. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37182. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.